Зардўз қаҳрамонга зар қўшиқ 2-БЕТДА

Фарзандингизга муносиб исм танлай десангиз, янги китобни олинг! 3-бетда

Тўй айни авжида эди... куёв уйланган экан 4-бетда

Ушбу сон "Ҳуррият" ва "Меҳригиёҳ" газеталарининг ҳамкорлигида қўшма сон сифатида тайёрланди

ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

УЙҒОНИШ ФАСЛИ БУ

Ҳаяжон

Кўкламой отлиғ сулув келинчак оғушида энтикиб нафас олаётган борлиққа тўймай термулиш асносида беихтиёр улуғ Чўлпоннинг ўлмас битиклари ёдга тушади: **"Ҳар йил бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиқлай бошлади. Яна табиатнинг дийдираган танларига илиқ қон югурди... Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?"**

Ҳа, ҳаёт ҳамиша тотли, аммо кўклам фасли у яна-да тотлироқ, кўнгилларни орзиқтириб юборадиган даражада гўзалроқ, таъбир жоиз бўлса, илоҳийроқ туюлади. Илло, баҳор — уйғониш фасли; рутубатли қиш ҳорғинликларини, бадковоқликларини, ҳатто якранглигини ҳайдаб соладиган фасл; баайни астагина керишиб олиб, нозик уйқусидан кўз очган, нафис вужудининг у ер — бу ерига тушиб қолган пўпанакларни назокат ила териб ташлаётган, атрофга ҳавас ва ҳайрат билан термулаётган ҳурилиқони эслатади кўклам.

Аммо шоир топиб айтадики: баҳорда уйғон, уйғонмасанг — чирийсан, табиатнинг минг-минг йиллик қонун-қоидаси, тош-тарозуси шуни тақозо этгуси.

Кўклам — умидлар фасли, эзгу ниятлар фасли; гўёки замин бағрини гилам янглиғ қоплаб бораётган мулойим майсалар янглиғ, дилларни ҳам ижобати жуда-жуда исталадиган илиқ-иссиқ орзулар эгаллай боради. Иншоолло, улар илдиз отажак.

Ҳар неки юмуш бор, ибтидода самимий бир тилак ботин. Шу маънода халқимиз суюб — "Йилбоши" деб атайдиган минг-минг йиллик тарихга эга Наврўз байрами энг покиза, энг бокира туйғуларнинг остонасидир. Зеро, йилни қандай кутиб олсанг, у шундай келгувчи.

Бу йилги Наврўз, назаримизда, биз учун қўш бора қадрлироқ. Чунки у, халқ тақвимига кўра, "Аёллар йили"ни бошлаб бераяпти. Аёл ҳаловат, осудалик, барқарорлик тимсоли. Инчунин, пойтахтимизда 16 февраль куни бўлиб ўтган машъум воқеалар биз сўнгги деярли саккиз йил мобайнида кўникиб қолган, турмуш тарзимизнинг табиий воқелигига айланган барқарорлик, тинчлик-осудалик, мабода биз ҳушёрликни йўқотсак, нақадар омонат эканини кўрсатди. Биз муҳтарама ва мукаррамма Аёл зотини қанчалик бошимизга кўтарсак, авайлаб-асрасак, тириклигимизнинг кафолати бўлган тинчлик-барқарорликни ҳам мана шундай авайлаб-асрамоғимиз, зарурат туғилса, ҳимоя қилмоғимиз жоиз ва шарт экан. Шу маънода, баҳор бизнинг ғафлат хоби босган кўзларимизни-да очиш учун хизмат этгуси...

Атрофга қаранг, муҳтарам газетхон! Наврўзи олам! Мана шу тириклик, мана шу ажиб гўзаллик, мана шу нафосат, назокат - барибариси бизники эмасми, ахир! Нечун дил шод бўлмасин, нечун ҳаяжонланмасин! Магар биҳишт деганлари фоний дунёда ҳам мавжуд бўлиб қолса, шубҳасиз, у айнан баҳор фасли, айнан Наврўз куни юз кўрсатарди...

Бугун кўнгилда тилаклар беҳисоб, бесаноқ. Аммо биз Наврўз айёмида ваъзхонлик қилиб ўтиришдан ўзимизни тийиб, фикримизни мухтасарроқ ифодалаш қасдида яна Чўлпонга мурожаат қилмоқдамиз. Қаранг, Баҳорда нақадар собитлик бор, бундан роппа-роса 75 йил бурун ёзилган ўтмиш мисралар худди бугун айтилгандай жаранглаяптими. Уларни ўқинг, ўқинг. Наврўзингиз муборак бўлсин!

Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,
Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!..

ЖАННАТНИНГ КАЛИТИ—МИСКИН, ФАҚИРЛАРНИ СЕВИШДАДИР

МЕҲРИГИЁҲ

1992 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

MEHRIGIYOH

Халқаро "НАВРЎЗ" хайрия жамғармаси нашри

"Ҳуррият" ва "Меҳригиёҳ" газеталарининг қўшма сони — 1999 йил 20 март

Наврўзи олам муборак, азизлар!

Аббос АЛИМБОЕВ:

НИЯТИМИЗ — МАТБУОТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Маълумки кейинги пайтларда ОАВга эътибор яна-да кучаймоқда. Бу борада Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ўз ўрни, салоҳияти бор. Мухбиримиз жамғарманинг бош директори Аббос Алимбоевдан жамғарманинг бугунги фаолияти хусусида гапириб беришини сўради.

Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизини жамғарма шўъба ва бўлимларини моддий-техникавий мустаҳкамлаш, журналист ва фахрийларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, обуна мавсумида фаол қатнашиш, республика конкурслари ва бошқа тадбирларни уюштириш ташкил этади.

1998 йили жамғарма бошқаруви асосий фаолиятини ўз муассислигидаги "Ҳуррият" газетасининг қўллаб-қувватланиши ва моддий-техник негизининг мустаҳкамланишига қаратди. Фақат бир йил ичида бу мақсад учун 6 млн. сўмдан кўпроқ маблағ жалб этилди.

Ўтган йилда бир қатор республика танловлари ўтказилди.Голиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Анъанага кўра, "Матбуот куни" - журналистларнинг касб байрами кунида "Йилнинг энг яхши журналисти" танлови ғолиблари эълон қилинди.

Мустақилликнинг 7 йиллигига бағишлаб, "Тасвирий ойина" жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" танлови ўтказилди.

Умуман,барча конкурсларни ўтказиш учун 1,5 млн. сўмдан ортиқ маблағ жалб этилди.

Газета ва журнал таҳририятларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун 1 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Республика бўлимларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш учун 6,5 млн сўмдан кўпроқ молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили жамғарма қошида унинг мамлакатнинг турли ҳудудлари билан хўжалик алоқаларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, моддий ва молиявий имкониятларни кенгайтириш мақсадида ҳар хил фаолият йўналишларига эга 9 та ёрдамчи корхона ташкил этилди.

Фақат шу бир йил мобайнида журналистларга 325900 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирги вақтда жамғарма "Ўзбекистон матбуоти", "Муштум", "Саодат", "Шарқ юлдузи", "Синфдош" каби журналлар, "Илҳом" ўқув-ижодиёт маркази, "Истиқлол" нашриёти, "Туркистон-пресс" агентлиги ва Миллий матбуот маркази каби 9 ташкилотнинг муассиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.97 йил 124-ф сонли қарорига асосан, Миллий матбуот марказининг фаолияти учун "ТАПОиЧ" ДАЖига қарашли собиқ "Восток" клуби берилган эди. Бизнинг МММга ҳукумат ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан катта ёрдам берилмоқда, эътибор қаратилмоқда. 1998 йил бўйича капитал таъмирлаш ишлари учун бюджетдан ажратилган 74 млн. сўм ўзлаштирилди. Шунингдек, замонавий жиҳоз, асбоб-ускуна ва компьютер техникаси билан таъминлаш учун яна 80 млн. сўм ажратилди.

Бугунги кунда бу бинода ҳар ҳафтада турли вазирликлар, ташкилотлар билан матбуот анжуманлари ўтказиб турилади. Ушбу тартибда вазирликлар ва ОАВ ўртасида мулоқот олиб борилади.

Бундан ташқари, жамғарма газета ва журналларни таъминлаш мақсадида Россиянинг қоғоз комбинатларидан ўтган йилнинг 6 ойи ичида умумий қиймати 307000 АҚШ доллари бўлган 168/84 форматли 500 тонна қоғоз олиб келди.

Ўтган йили ОАВнинг мустақиллик шароитидаги ривожланиши бўйича долзарб масалаларга бағишлаб 20дан ортиқ халқаро ва республика миқёсидаги конференция ва семинарлар ўтказилди. Маъруза ва чиқишлар тўплам ҳолида нашр этилди.

Жамғарма ходимларининг фаол иштирокида "ОАВ тўғрисида" ва "Нотижорат, ноҳукумат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг вилоят бўлимлари ва шўъба корхоналари катта ҳар хил тадбирларни ўтказишда амалий ёрдамлар кўрсатмоқдалар. Раҳбарият ва ходимлар тез-тез жойларга ташриф буюришмоқда ва ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларга иштирок этишмоқда.

Мисол келтирсак, Наманган бўлимида 3 та танлов ўтказилиб, натижалар аниқланди: "Мустақиллик мадҳи", "Оила - муқаддас даргоҳ", "Тозалик - саломатликдир"; Сурхондарё вилоят бўлими демократик тамойилларни ривожлантириш мақсадида турли танловлар, телекўрсатувлар, ижодий кеча ва учрашувлар уюштиришмоқда. Матбуотчилар куни арафасида "Журналист - демократик жамият қурашчиси" номли ҳафта ўтказилди.

Йил давомида жамғарма журналистларнинг 50 кишилик янги аъзолари билан ўз сафини кенгайтирди.

Барча бу ишларнинг замирида МДФ ва вилоят бўлимлари коллективларининг меҳнати ётади. Муаммолар ҳам кам эмас. Улар ўз ечимини топади ва 1998 йилда йўлга қўйилган камчилик ва нуқсонларни йўқотиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Зеро жағамғармамиз олдига Президентимиз томонидан Ўзбекистон ОАВ муаммоларини ечишдек юксак вазифа қўйилган.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси 1998 йили маълум ишларни олиб борди ва йилни қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан якунлади:
1. Бажарилган умумий иш ҳажми - 26244,7 млн.сўм
2. Фойда - 2376,9 млн. сўм
3. Асосий маблағлар - 27216,4 млн. сўм
4. Ўз айланма маблағлари - 92117,4 млн
5. Ишлаб чиқариш заҳираси 7780,9 млн
6. Молиявий мустақиллик коэффициенти 0,89 фоиз

Илҳом

НАВРЎЗ МУҲАММАСИ

Толим-толим сочларини тонгда туриб ёйган қиз,
Ширин-ширин сирларини тол баргига ёзган қиз,
Сайилларда кўриб ҳушдин мажнунлари озган қиз,
Балоғатинг ғавғолари бу дунёни бузган қиз,
Қуралайдек кўзларингга, бу жонлар хумор ўлсин.

Келиб баҳор, севинчидан дил чашмаси тўлган қиз,
Абри найсон ёғиб сабза, ғунча лабин олган қиз,
Гули Наврўз тутиб бугун неча қўллар толган қиз,
Бу оламнинг камолидан Қуёш хусни сўлган қиз,
Зулайҳодек жамолингга хаста жисмим тумор ўлсин.

Ялпиз атри эмасдир бу, мушк анбари елган қиз,
Етибдурки, севги фасли васли гулга чўлгон қиз,
Шоирлари ғазал битса, созларин соз чалган қиз,
"Тановар"га хиром этиб, мисли гулдек тўлгон қиз,
Нозик белинг чирмашгаида алиф қаддимки, дол ўлсин.

Сумалагим, суймалагим, тортиқ элга Сурхон қиз,
Ўшу Тошканд, Самарқанду Фарғонаю Сиржон қиз,
Қошларингга сурма қўйсанг, кўзларингда нурхон қиз,
Байтларида дарду қувонч, Ўзбекистон шеърхон қиз,
Ҳар кўнгилда абад дўстлар, Ватан меҳри бедор ўлсин.

Ул боғларим, гул боғларим, агар сенсиз бешон қиз,
Куйла энди, яғир кўксим рақибларга нишон қиз,
Куйларингдан поклангувси куюк виждон, имон қиз,
Бул ғаниматдамлар эрур, бахту иқбол имкон қиз,
Бу айёмда Сафар ишққа адолатли бемор ўлсин.

Сафар ОМОН

Сурхондарё

Ол-а!

"ТОМОШАБОП" ЧИПТА

Юлдуз УСМОНОВАнинг концертига махсус чипта чиқариш мумкин-ку!

Кимсан, санъат осмонида ўз номи билан Юлдуз ҳисобланган Юлдузхоним Усмонованинг концертини томоша қилиш учун олис Миёнкўл оролидан ҳаллослаб етиб келдим. Пойтахт шаҳримизнинг энг муҳташам биноларидан бири - "Халқлар дўстлиги" саройини кўришнинг ўзи биздақаларга зўр томоша. Ҳаяжон билан 31 март кунги концертга патта сотиб оларканман, очиғи, капалагим учиб кетди. Нега дейсизми?

Қаранг, яқиндагина Юлдузхоннинг хориж сафаридан қайтганини ойнаи жаҳонда ҳаяжон билан кузатдик. Жумлаи жаҳонга мустақил юртимиз довруғини достон қилиб келмоқда фидокор синглимиз. Энди, келиб-келиб ўз юртида унинг санъатига (умуман, мустақил юртимиз санъатига!) бўлган эътиборни кўриб қаттиқ ранжидимда! Ахир, шундай ҳашаматли санъат саройида жаҳоншумул санъаткоримиз концертига шунақа патта сотиш уят эмасми?! Сарғайиб кетган бир парча қоғоздаги (патта, дейишга тил бормайди) ёзувларни қаранг:

"Дворец дружбы народов СССР им В.И.Ленина (СССР им В.И.Ленина, деган сўзлар устидан қора сиёҳ тортилган).

Партер
Ряд № Место №
Цена 6 руб
Сўнг қўлбола муҳрда: **"1500 сўм"**

Тағин ҳар бир паттанинг ёнбошида қора ҳарфлар билан **"Контроль"** деб ёзишни ҳам унутишмаган.

Паттамдаги рақамларни атай ўчириб қўйганимни тўғри тушунарсиз, деган умиддаман, ҳар қалай, уйимга эсон-омон етиб олиш умидида шундоқ йўл тутдим.

Ўзининг концертига сотилаётган шунақа "патта"ни кўриб эҳтимол Юлдузхон ҳам ранжигандир... Ўйлаб қолдим денг: Шунақа "патта" билан муҳташам саройга киргандан кўра... Юлдузхонимнинг концерти менинг ихтиёримда бўлса шундай патта тайёрлардимки, ўзимга ўхшаган томошабинлар концертга кираётганида эмас, у ердан чиққанда ҳам ташлаворишга кўзи қиймасди, Тошкентдан эсдалик учун худди сувенирдек қилиб кўтариб кетишарди, ҳамкишлоқларига мақтанганча уйининг тўрига илиб қўярди!

Кечасида концерт саройининг телеойнадан гапирган мутахассисларидан бири, эски даврдан кўпгина чипталар қолиб кетганини важ қилиб кўрсатди. Ол-а, саккиз йилдан бери аҳвол шуми ҳали?! Ким билсин, шўро даврида "ғамланган" чипта яна юз йилга етса қандоқ қиламиз!..

Миёнкўллик томошабин
Тўлқин ХЎЖА

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Катта санъаткорларнинг ўз мухлислари билан ҳар бир учрашуви катта маданият байрамига, унутилмас воқеага айланади. Бундай тадбир бошидан охиригача гўзаллик ва нафосат талаблари асосида ташкил этилмоғи лозим. Шу маънода газетхон ҳақ, у ушбу концертга кириш чиптаси эсдалик сифатида сақлаб қўйилса арзийдиган даражада чиқарилишини истаяпти. Ҳар қалай, Юлдуз Усмонованинг концерти, "Халқлар дўстлиги" саройининг нуфузи шунга муносиб.***

УМИД МАНЗИЛЛАРИ

Наврўз кечаларида оромсизларга оромлар, гўдакларга аллалар, келинчакларга ўланлар, кичкинтойларга эртаклар тилаганга эҳсонлар ёғилар эмиш.

Эътибор ОХУНОВА

Чиқди султони шафақ, лолагулзор бўлди шарқ,
Зарларин тўкди уфққа, нурли бозор бўлди шарқ.
Субҳи содиқнинг жамолин нурли офтоб ювди-ю
Кенг жаҳон бўлди мунаввар, тоза рухсор бўлди шарқ.

Баҳор элига наврўзи олам қайтди яна. Наврўз, бу - бизнинг янги йилимиз, янги орзуларимиз. Янги йил, бу - янги йўллар, янги кашфлар, янги истиқболлардир. Янги тилаклар ҳамдир. Мустақил диёримизнинг саккизинчи баҳори баракали, қутли бўлгай. Унинг неъматлари тотли бўлгай. Унинг мазмунга тўла воқеалари, инсонийлик, меҳру мурувват бобидаги хайрли ишлари, эзгуликлар дафтарига битилгуси иншолари хушдир. Бу йил ҳам унинг режалари мумтоз эканига, файзу карамлари бисёр эканига ишонамиз.

Қир-адирлар сабзарангли дуррасини ўрарлар, қизлар нилчўп тутиб қаро кўзларига сурмасини сурарлар. Бувижонлар бу тонг супрасини ёйиб баркаш патирларнинг зуваласини оларлар. Дастурхонларга неъматларнинг турфасини тузарлар. Дилшодликлар қайда, деб сўрарман мен. Наврўзи олам кезиб юрган боғларда, у лолалардан гулханлар қалаган қирларда. Бувилар куйлаётган ёр-ёрлар, алёрларда.

Наврўзи олам - меҳр-мурувват, шафқат, муҳаббат, олижаноблик фаслидир. Одамлар, қўни-қўшнилар, қайнона-келинлар, юртлар, музофотлар, миллатлар ўртасига тўшалган саховатли дастурхон, меҳр ила узатилган қўлдир ул.

Гина-кудуратлар унутиладиган, орзулар ижобат бўладиган фаслдир. Наврўзи оламнинг нур қалами билан битилган баҳру байтлар давраларни безагай. Наврўзи оламнинг бизга билдиргуси тилаклари мўл, карамлари беҳисобдир. Бу тилаклар, бу эҳсонларни наврўз дарё тўлқинларига ёзмишдир. Ирмоқларнинг оҳангларига жо айламиш, осмоннинг нилий дафтарига битмишдир. У битган ривоятлар, ҳикматлар, у яратган фусунларни томошо қилишнинг ўзи бахтдир, ўзи сурурдир.

Қишнинг андуҳлари сойларда оқади. Тўлқинлар ўзанларга сиғмай жар лабини емиради. Дилда неки ҳазинликлар бўлса наврўзи олам саболари қанотида олиб учади, тўқайларда адаштиради. Инсон азиз, муҳтарам деган садолар эшитилади.

Наврўзи олам мўл ҳосиллар зуваласини олади. Барака-қут эшикларини ланг очиб қўяди. Хайру эҳсонларга ўз дастхатини битади. Муштипарлар ҳолидан хабар олади. Уларга баҳорий кайфиятлар, эртанинг умидли кунларини ҳадя этади. У тароватли эртакдай, қўнгилга яқин ўланлардай ҳовли-рўялар кезади. Ҳар ниҳол, ҳар куртакда гўзаллик, барака-қут ундирмоқ учун боғларга ошиқади...

Бу соҳир дунёда ўлмайдиган не бор? Орзулар ўлмайди. Наврўз - орзулар фаслидир. Юртимизга маъмурлик, аёлларимизга маъсумалик, йигитларимизга тантилик ёр бўлсин, дея орзуланамиз биз оналар. Негаки Наврўз - кушод фаслидир. Наврўз - ижобатлар фасли ҳамдир.

Ирмоқлар сойга, сойлар дарёларга, дарёлар уммонларга, баҳри денгизларга айланишни орзу қилар эканлар. Гиёҳларнинг майин шивирлашида орзу, тилаклар бордай. Минг бир хил турфа рангларда жилва қилаётган чечакларнинг тебранишида аллақандай сеҳрларни кўраман.

Осмон тоқида худди лайлатулқадрдай афсонавий, сеҳрли, оппоқ кабутарлардай беғубор парпираклар кўринади. Болакайлар том бошига чиқиб, умид қушларини, дил шодликларини осмонга учирадилар.

Озод, мустақил диёримизнинг дахлсиз, мусаффо осмонини тўлдириб, файзиёб айлаб бахт қушлари парвоз қилаётгандай худди. Парпираклар наврўзи оламнинг ҳусни хатларига ўхшайди.

Баҳор сеп ёяди...
минг хил турланар,
Арғумчоқ ёзади турналар.
Бувилар чолларин бошлашиб,
Болалар варрагин ташлашиб
Термулар турналар рақсига,
Жон кирар қўшнилар баҳсига.
Турналар тўлдирар самони,
Келди-ей маъмурлик замони.

Қўшнилар ялпиз келтирган хушбўй, тансиқ таомлар билан бир-бирларини сийлайдилар. Бир-бирларига бинафшалар ҳадя айлайдилар. Наврўз ҳадсиз ишқ, ҳадсиз ҳайратларга ҳам ўхшайди.

Наврўз саболари неларнидир шивирлаб ўтади. Неларни шивирлади экан у сабо? Жавоб излаб Оқтош, Шоҳимардон тоғларига, уларнинг туғёнлар узра бош қўйган сертўлқин сойларига, Андижоннинг боғи шамолларига, Тошкентнинг гул алвон гулханларини ёққан чаманларига, бувиларнинг эртакларидан ёғилаётган ҳикматларга қулоқ тутаман. Баҳор битган иншолар, у чизган рангин суратлар қошида лол қоламан. Ул нақкошнинг мўй қалами ила чизилган манзараларга таъриф изламоқ, уларни ўқимоқ, англамоқ мушкулдир. Унинг мўъжизаларига термуламан, бу термулишдан кўзларим ҳам қорайгай, тун ҳам.

Наврўз - яшариш, янгиланиш фаслидир. Ошуфта бу юртнинг қайта туғилган кишилари кўнглида ҳам яшариш, янгиланиш туйғуси. Табиатда чиройланиш, қизларда зеболаниш қайғуси.

Наврўз - меҳнат, улуғ режаларга тамал тошини қўйиш фаслидир. Баҳор қалами ҳадемай меҳнат китобининг илк саҳифасини очади. Ҳадемай, она табиат, сахий далаларнинг бир тутам оромлари тугаб, беоромлик эртаклари бошланади.

Баҳор насими деҳқон бобо эшигини қоқади.

Наврўзи оламда йўлга чиққанлар, умид манзилларига бехатар етар эмишлар. Наврўз айёмида тилакларим шулки, қайта дунёга келган диёрим кўзлаган нурли манзилларига бехатар етиб борсин.

Наврўз кечаларида оромсизларга оромлар, гўдакларга аллалар, келинчакларга ўланлар, кичкинтойларга эртаклар, тилаганга эҳсонлар, ижобатлар ёғилар эмиш. Кўҳна бу оламга ривоятлар, донишмандликлар ҳадя айлар эмиш. Наврўзи оламнинг ҳадсиз эҳсонлари, лутфу карамларидан яшариб кетган табиат, дунё, одамлар оромлар оғушида, осудаликлар салтанати ичра қайта туғилар эмишлар.

Юртимиз қайта туғилгани рост. Баҳоримиз, наврўзимиз ҳам не-не талотўплардан омон ўтиб, қайта туғилди. Тонгларимиз, онгларимиз тозарди. Боғларимиз қайта гулга кирдилар. Юракда янги дунёлар, тилакда янги дуолар туғилди.

Наврўз - муҳаббат, саодат чоғидир. Сумалаклар даврасидаги ўтли суҳбатлар, ширин гапу гаштаклардир.

Тоғлар яшил чакмонларини елкасига солмиш. Камалак минг хил рангин либослар-ла оҳорланмиш. Ер безанар, кўк безанар. Дунё боғлари, чаманлари, қирлари, ёбонлари алвонларга бурканар. Мовий уммонлар туғёнлар узра бош қўярлар. Бу зарифликлар қошида қалам ҳам сўзга киргай:

Мани жамолингга кўп зор қилма,
айланайин,
Қилибки, зор яна хор қилма,
айланайин...

Боғ айланиб эшигимни очмоқ бўлган саболар аста шивирлар. Биз баҳру-байтлармиз. Биз ой нури билан чайилган боғлар бағридаги ғазаллар, наволармиз.

Баҳорни муҳаббат фасли дейдилар. Ҳар гул, ҳар ниҳол, ҳар куртакда ишқнинг сувратлари, иншолари бор. Тўлқинларга кўмилиб оқаётган анҳорларда муҳаббатнинг сўзлари, боғлар бағрига тўкилувчи юлдузларда унинг кўзлари яширин.

Баҳорда тош ҳам гул очгуси келади. Наврўз - шукроналиклардир. Юртнинг баҳорини, ҳурлигини ўзига қайтарган юртбошиларга умр тиламак учун бувиларнинг, момоларнинг дуога очилган қўлларидир. У - келинчакларни бахт, толе уйига кузатувчи ёр-ёрлар, гўдакларга ором бағишлагучи аллалардир.

Эй Наврўз,
Таърифингни юз минг
фасона қилай,
Ҳижрон ўқига кўксим доғин
Нишона қилай.
Йиллар изҳор этолмай юрган
Юрак сирларим
Айтмакка баҳор фасли сайлинг
Баҳона қилай.
Гул-алвонинг аксими, ловулладим
Ишқ аро,
Рамзи муҳаббат айлаб, сенга
Шукрона қилай.

НАВРЎЗБЕК ВА НАВРЎЗАЛАР

Аввалари Наврўз, Наврўза исми кўпчиликка бироз эриш туюларди. Айнан Наврўз куни туғилган болаларга ҳам бу исмни камдан-кам ота-она қўяр эди. Энди Наврўз исмини эшитган киши: "Ўз исми билан баҳор кунлари туғилган экан", дея ҳавас ва ҳайратини яширолмайди.

Табиатга ҳамоҳанг айни шу мўъжизали онларда дунёга келиб ота-онаси ҳаётига янги кун, янги қувонч бахш этган Наврўза, Наврўзжонлар бугун таҳририят меҳмони.

Наврўза ҚОДИРОВА - **1989 йил 12 мартда туғилган.**

Наврўза ўз исминнинг тенгқурлари орасида деярли учрамаслиги, яна айнан баҳор билан боғлиқлиги учун ёқтиришини болаларга хос энтикиб, мақтаниб гапирди. Исмини эшитган киши ҳавас билан "баҳорда туғилган экансан-да", дейиши ҳам унга жуда ёқар экан.

- Қизингизнинг исмини отаси қўйган экан-а? - деб сўрадик Наврўзанинг онаси Озода опадан.

- Ҳа, ўшанда, қизимизни Наврўза деб атаймиз деганларида "бунчалик чиройли исмни қаердан топдингиз?" деб қувониб кетганман. Ўша куни касалхонага кўк сомса, сумалак олиб боришгани ҳозиргидек ёдимда...

Наврўза туғилишидан бир кун аввал хўжайиним "нозик"роқ йиғинга меҳмон бўлиб боради.

Хонадон эгаларидан тортиб қариндошлар ҳам ўзи билан ўзи овора, ҳеч ким эътибор ҳам қилмайди. Шу пайт ушбу хонадонга эндигина куёв бўлган йигит уни эски қадрдонидек ўта иззат-ҳурмат билан кутиб олади. Ноқулай аҳволга тушиб қолиб, ҳеч кимга қўшилолмай бир четда қолиб кетган хўжайиним оддий одамгарчиликдан, инсоний эътибор, эъзоздан қўнгли тоғдек кўтарилиб, Аллоҳ фарзанд берса шу инсоннинг исмини қўйишни ният қилади. Шу воқеанинг эртасига қизим туғилди. Йигитнинг исми Наврўз эди... Қизимнинг исми ҳам баҳор, ҳам қалби баҳор каби гўзал инсонлар билан боғлиқ.

Наврўз ШУКУРОВ - **1994 йил 21 мартда туғилган. Наврўзжоннинг онаси Умидахон ўғлининг фақат шу куни туғилишини истаб (эртасига эмас) врачларни ҳам ҳайратда қолдирганини кулиб-кулиб айтиб берди.**

- Фарзандлик бўлиш арафасида яхши ният билан роса исм излаганман. Турмуш ўртоғим топган исмларни ҳам танлардим, ҳеч ёқтирмасдим. Буюк, таниқли кишилар номини қўйгим келарди-ю, оғирлик қилса-я, деб ўйлар эдим. Хуллас, турмуш ўртоғим ҳам, мен ҳам бўлажак фарзандимизга мос исм тополмадик. Шунда ўз исми билан туғилса эди, деган ният кўнглимга келди-ю, қувониб кетдим. Наврўз байрами яқинлашган сайин, шаҳар кўчаларининг яна ҳам кўркамлашиб кетганини кўриб, кишилардаги байрамона, баҳорий кайфиятдан кўнглим яйраб, бутун вужудим билан худди шу куни фарзандим дунёга келса эди, деб Аллоҳдан сўрадим. Ниятимга етиб 21 март куни касалхонага бордим. Аммо энди, эртасига туғилиб қолса-я, деб хавотирлана бошладим... Агар астойдил истасанг, Аллоҳ ҳам ниятингга етказар экан.

Ҳар йили Наврўз байрами куни фарзандларимни ўйнатиб юриб, ўғлимнинг исмини айтиб чақирганимда кўпчилик ўғлимга, унинг исмига ҳавас билан ялт этиб қараб қўйганини сезаман ва... суюниб кетаман...

Наврўз ҚУЛМУҲАМЕДОВ - **1981 йил 14 апрелда туғилган.**

- Наврўзбек, сизга бу исмни ким қўйган? Ҳеч қизиққанмисиз?

- Ҳа, албатта. Исмимни отам қўйган. Отам баҳор фаслини жуда яхши кўрадилар. Ҳар йили баҳорни соғиниб, интиқиб кутадилар. Мен бутун борлиқ кўм-кўк тусга кирган, дарахтлар гуллай бошлаган баҳорнинг энг гўзал куларида туғилган эканман. Отамнинг айтишича, Наврўз байрами бир кун эмас, бир ой давом этгувчи халқимизнинг энг севимли байрамидир. Исмим ўзимга жуда ёқади, аммо негадир кўпчилик номимни айтишим билан: "21 мартда туғилганмисан?" деб сўрайди. Шунда мен Наврўз байрами фақат бир кунгина нишонланмайди, деб тушунтираман.

Мактабга чиққан кезларим, Наврўз байрами ҳеч ўтказилмасди. Исмимнинг маъносини англолмай, баъзи ўқитувчилар ҳайрон қолгани ҳам эсимда.

Наврўз байрами яқинлашган сайин мен ҳам табрикларга кўмилиб кетаман.

Гавҳар АБДУҒАНИ қизи

"Наврўздан - наврўзгача"

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Истиқлолимиз туфайли тобора ривож топаётган миллий анъаналаримиз, меҳр-шафқат, хайр-саховат каби гўзал удумларимизни энг яхши ёритиб берган бадиий асарлар, шеърий гулдасталар ва публицистик мақолалар учун 1998 йил - Оила йилида Халқаро Наврўз жамғармаси ва "Меҳригиёҳ" газетаси эълон қилган танлов якунланди.

Танлов ҳайъати қарорига биноан газетамизда эълон қилинган энг яхши бадиий асарлар, мақолалар учун қуйидаги муаллифлар танлов ғолиби деб ҳисобландилар.

Юз минг сўм миқдорида биринчи мукофот: **Ўзбекистон халқ ёзувчиси САИД АҲМАДга - "Ростгўй посбон", "Қишдан қолган қарғалар" ҳикоялари учун.**

Эллик минг сўмлик мукофот: **Ўзбекистон халқ шоири МУҲАММАД ЮСУФга - "Ўзбекистон" шеърий гулдастаси учун.**

Иккита йигирма беш минг сўмлик мукофот:

Ўзбекистон халқ ёзувчиси **ЎТКИР ҲОШИМОВ**га - "Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Табиат, жамият, инсон" хотиралари учун.

Ўзбекистон халқ шоираси **ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА**га - "Тун бўйи оёқ учида юриб чиқар сўз" гулдастаси учун.

Ўнта ўн минг сўмлик мукофот қуйидагиларга берилди:

Ўзбекистон халқ ёзувчиси **ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ**га - "Ёлғизгинам" ҳикояси учун.

Шоира **ЭЪТИБОР ОХУНОВА**га - "Шукрона" публицистикаси учун .

Журналист **ШУҲРАТ ЖАББОРОВ**га - "Мавжланиб сузади улкан кемамиз", "Шукуҳ", "Она бешик тебратар" публицистикалари учун.

Журналист-шоира **ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА**га - "Хайрли иш шуҳрат учунми" публицистикаси учун.

Журналист **ИБРОҲИМ ҒОФУРОВ**га - "Недан ўсар кўнгли инсоннинг", "Эл-юрт ҳурмати" публицистикалари учун.

Журналист-шоир **ҲАБИБ САЪДУЛЛА**га - "Энг бой аёл", "Латифалар шундай туғилади", "Эзгуликни кўнгилларга нақш этиб" туркум мақолалари учун.

Шоир **МУҲАММАД АЛИ**га - "Фуқаролик ғурури" бадиаси учун .

Шоир **СИРОЖИДДИН САЙИД**га - "Ҳар бир тоши, ҳар чинори мулло, юртим" шеърий туркумлари учун.

Шоира-журналист **ЗУЛФИЯ МЎМИНОВА**га - "Муҳтарамим, ҳазратим отам" публицистикаси учун.

Шоир **САМАНДАР ВОҲИДОВ**га - "Бухорои шариф сари дунё оқиб келмоқда" шеърий гулдастаси учун.

Танлов бу йил ҳам давом этади

ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИ

Баҳор толалари

ОЙДИНДАГИ ГУЛПОРЛАР

Мирзо ТАВФИҚ

Қадрият

От йигитнинг қаноти, дейдилар. Бу гапни мен топиб айтмадим, Сиз ҳам демагансиз. Машойихлар айтиб кетишган...

Музработ ота зиёратгоҳининг шимол томонидаги кенг адирликда кўпкари бўлаяпти, денг. Ўзиям мингдан ортиқ отлиқ йиғилган. Айтилган зот икки соатда айрилмайди. Сурдов бўлиб, улоқ чавандоздан-чавандозга, тўдадан-тўдага ўтади. Эрта баҳор, адирлик кўм-кўк. Кечаси ёмғир ёққан, қорнинг совуғи келиб турсада, кўпкари учун бундан қулайи йўқ. Томошабинлар, чавандозлар ҳам об-ҳавони унутишган.

Тўйчи акамизнинг кўнглига Худо солган, давлатини зиёда қилган экан. Улоқ тўдадан чиқавермагач, устига қўша-қўша зотларни баковул қўшаверди: "Устига яна бир қулуни бор, армонда қолма, зот ерда ётибди. Бунинг устига яна бир кўсам серка қўшилди-о-ов!" Шу пайт қаердандир Худойқул чўпоннинг отини бошчарбоғлик Хуррам чавандоз миниб тўдага қўшилди. Баковул эса қичқириб ҳаммани огоҳлантирди: "Ў, чавандозлар, армонда қолма, улоқни бекитиб ушла, сурдовга Юлдуз қўшилди". Баковулнинг гапи тугар-тугамас, "кетди, гирдини ол, жийронга кетди", деган оломон овозидан адир ларзага келди. Улоқни тақимига маҳкам босган Хуррам чавандоз тўдадан ўқдек отилиб чиқди. Бу Худойқул чўпоннинг Жийрони бўлиб, уч йил илгари Юлдуз деб лақаб беришганди.

...Тушгача ўн икки зот айирди. Бойнинг йигитлари Юлдузни катта жулуни устига ташлаб етаклаб совутишарди. Баковул: "Армонда қолманглар, охирида "тугун"и бор", деганди. Шунинг учун бўлса керак, Юлдузни кўпкарининг охирини айиришга асрашарди.

...Юлдуз айирган зот — тойлар, серкалар, қўйлар, гиламлар салкам бир машинага юк бўлди. Пешинда охири айтилди. Шомгача сурдов бўлди, "тугун"ни Юлдуз айирди.

Қишлоқдошлар худди ўз отлари зот айиргандек тўйдан хурсанд бўлиб қайтишди. Катта-кичикнинг оғзида фақат Юлдуз, фақат Худойқул чўпоннинг таърифи. Эрталаб бир миш-миш қишлоқда ўрмалаб қолди. Қишлоқ оқсоқоли айтибдики: "Эшоннинг юзидан ўтолмай, беш-олти киши Худойқулбойникига бирга бордик. Бизни кўриши билан ташрифимизнинг мақсадини сезди, шекилли, қовоғини уйиб олди.

Мўйсафидроқ Эрали чол гап очди:

— Бой, сендан бир нарса тилаб келдик. Бизларни биласан, — деди ўсмоқчилаб, — шу, эшон бобом....

— Зўр билан тирашганнинг боши, пир билан тирашганнинг қоши кетади, дердилар отам. Қани, дастурхонни очинглар, пирим учун бўлса, отим ва хотинимдан бошқасини сўрасаларинг, йўқ деёлмайман, — деб Эрали чолнинг "берди"сини айтишига қўймай гапни буриб юборибди.

— Эшоннинг учта чопадиган отлари бор, биласан. Сенинг ҳам мол-давлатдан каминг йўқ. Энди, шу Юлдузга кўнгиллари тушибди. У кишининг нафаси теккан савдо бекаромат бўлмайди.

— Эралибой, мен узримни айтдим, — дея кўзларига ғазабдан ёш айланибди. Меҳмонлар тайёр овқатга ҳам унамай ўринларидан қўзғалишибди.

Хотини: "Бермасангиз-бермабсиз-да, шунга шунча хуноб бўлишингиз эпмиди?"— деса, Худойқулбой: "Илгари ҳам эшон оғиз солганди. Қовоғимни уйиб қунғиллаб қўйгандим. Шуни била туриб, элга овоза қилиб, отини сотади, деб уйимга келибди. Кўпнинг суқи ё мени, ё Юлдузни нобуд қилмаса деб қўрқаман. Нима, яхши от фақат эшон ёки мансабдорники бўлиши керакми?" — деб ўзини тутолмасмиш.

Икки ҳафтадан сўнг, Сайроб томондаги бир кўпкаридан Юлдузни отбозлар мотамона кайфиятда "КамАЗ"га ортиб келишди. Биров "зўрикди" деса, бирови "кўзикди", бирови "шамоллаган" дедилар. Юлдузни не-не дўхтирларга, не-не синчи кишиларга кўрсатишди. Ҳатто фолбинга ҳам боришди. Дарднинг зўридан от талваса қилиб, кўзларидан одамдек ёш оқармиш. Ҳамқишлоқлари Худойқулбойга: "Этдан тушмай отни сўйиб сотиш керак. Бутун бошли мол, оздириб, ҳаром ўлдириб нима қиласиз?" — дейишди.

— Бир умрлик йўлдошимнинг бўйнига қандай қилиб пичоқ қўяман? Ириб-чириб ўлса ҳам унинг гўштини ҳеч кимга едиртмайман, — деди Худойқулбой. Бир ой кеча-кундуз касал ётган отнинг ёнидан кетмади.

Дейдиларки, Юлдуз ўлганда Худойқулбой йиғлаб, уни одамдек кафанлаб кўмган экан. Уч-тўрт ой ўтмай ўзига ҳам бел оғриқ, бош оғриқ деган алламбалолар ёпишиб олибди. Худойқул чўпон орадан ўн йил ўтиб ҳам ўзига келолмади.

От йигитнинг давлати дейдилар. Бу гапни мен топиб айтмадим, Сиз ҳам демагансиз. Машойихлар айтиб кетишган.

Сурхондарё вилояти Музработ тумани

Қаҳрамон аёллар

Бухоролик Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова ҳаётини ўрганиб, у киши ишлайдиган очиқ турдаги "Зардўз" ҳиссадорлик жамияти ишчилари билан танишиб юрганимда Опанинг қадрдон ҳамкасбларидан бўлган Лола Ботирова машҳур жамоадоши ҳақида гапираётиб, шундай деб қолди:

- Ака, ишимиз бир-бирига ўхшайди. Сизлар қалам билан ижод қилсангизлар, бизлар игна билан. Масалан, ижодкорларнинг ҳақиқий изланишлари тўғрисида гапирилганда, "игна билан қудуқ қазигандай машаққатли иш", дейилади. Зардўзларнинг муваффақиятли ишлари хусусида гап борганда эса, "худди рассомнинг қалами билан чизилгандай", деган эътироф айтилади. Муяссар опа тўғрисида юрак-юракдан ўйлаб юрганларимизни бизнинг ўзимиз қоғозга тушириб берайлик.

Мен Ботированинг гапини жиддий маънода деб ўйлаб:

- Жудаям маъқул, опа, худди сиздай профессионал одамнинг ўз қўли билан ёзган мақоласини эълон қилсак, бизга янаям яхши, - дедим.

Шунда, ёнимизда турган, бошқалар қатори бирдан самимий жилмайган цех устаси Гулнора Шахатова гапга қўшилди:

- Журналист ака, узр, бухороликмиз-да, Лолахон ўз фикрини бироз ҳазил аралаш айтди. У аслида "очеркингизда кўпроқ бизни, яъни Темированинг ҳамкасбларию шогирдларини гапиртирсангиз", деган илтимосини қиляпти.

Таклифга рози бўлдим.

- Қиз болага, у кейинчалик зардўз бўлиб етишадими ёки тикувчи сифатида шаклланадими, барибир, игна ушлашни энг аввало она ўргатган бўлади. Шунинг учун олдин Муяссар опанинг онаси — Муҳаббат момога озгина сўз берсак, нима дейсизлар?

Менинг бу таклифимни эса ўз навбатида бухоролик зардўзлар дилдилларидан маъқуллашди...

ҚАҲРАМОН ОНА НИМА ДЕЙДИ

Аввало, ўғлим, Аллоҳдан, ҳукуматимиздан, Президентимиздан бир умр миннатдорчилигимизни, яъни шукроналигимни айтиб ўтай. Бўлмасам, умр йўлдошим, оддий деҳқон Темирхўжа Солиев билан ўн икки болани катта қилиб, ўқитиб, уйли-жойли қила олармидик, "Ўзбекистон Қаҳрамони"нинг онаси деган шарафга муяссар бўлармидим?!

Бўлар бола — бошидан, деганларидек, тўнғич фарзандимиз Муяссархон ҳали гўдаклигидаёқ одобли, зийраклиги билан бизни хушнуд этган. Биласиз, одатда бош фарзандлар, айниқса, болалигида бирмунча эркатой бўлишади. Лекин бу болалик хислатини биз жажжи Муяссаримизда ҳечам кузатмаганмиз.

Муяссар мактабда ҳам яхши ўқиган. Муаллимларидан у ҳақда илиқ гаплар эшитардик. Ўсмирлик пайтида унда тикувчиликка алоҳида қизиқиш-иштиёқ уйғонди. Бирон нарса тикадиган бўлсам, ёнимдан кетмасди. Кўп ўтмай, мендан сўраб, материал олиб, сингиллари — Мубина, Мўминаларга уй кўйлаги тайёрлаб бера бошлади. Шунинг учун дугоналари уни "Муяссар чевар" деб аташарди.

Анча кеч, олтинчи фарзанддан бошлаб ўғилли бўла бошлаганимиз, улар отасига қарашишга ёшлик қилаётгани учун шаҳарлик таниш оилалардан бирида туғилган Жўравой исмли ғоятда эсли-ҳушли, фаҳм-фаросатли етим ўспиринни ўзимизга ўғил қилиб олгандик. Ҳаётда, тақдир-да, унинг бахти қизимизникига қўшилган экан. Муяссар ўрта мактабни битиргач, улар келин-куёв бўлишди. Бизникида озгина туришгач, Жўравой катта бўлган ҳовлига кўчиб ўтишди.

Муяссар бир куни уйга бизларни кўргани келганида: "Ойижон, шаҳар рахбарларидан бўлган Бўринисо Омонова, зардўзлик артелининг директори Робияхон Раҳматова бизларга яқин жойда туришар экан, артелга ишга таклиф этишаяпти, нима дейсиз?" —деб қолди. Мен ўзимга тенгдош Робияхонни яхши танирдим. У Бухоронинг дадил, ўт-олов аёлларидан эди. Эл ўртасида ўзига хос обрў-иззатга эга бўлган саноқли маҳаллий раҳбар аёлларидан бири ҳисобланарди. Шунинг учун қизимга: "Робияхон муносиб кўриб, ишга таклиф этаяптими, қуёвинг рози бўлса, йўқ демасдан дарров артелга боравер, у — ажойиб аёл, табиийки, бундай одамнинг бошқараётган жамоаси ҳам яхши бўлади", дедим.

Шу тариқа Муяссар 1958 йили зардўзлик артелига қадам қўйган. Уни аввал моҳир зардўз Махсума Аҳмедова ёнига ўқувчи, яъни иш ўрганувчи қилиб қўйишди. У устози қўлида атиги икки ой ишлади. Сўнг уни усталар сафига мустақил ишчи қилиб ўтказишди.

ҲАМКАСБНИНГ ДИЛ СЎЗИ

Эллигинчи йилларнинг охиридан бошлаб, зардўзлик артелида ўзига хос авлодлар алмашинуви юз берган, яъни ёшлари анчага бориб, кексайиб қолган бир гуруҳ ҳунармандлар пенсияга чиқишган. Табиийки, уларнинг ўрнини тайёр зардўзлар бўлмаса ҳам, ҳаракатчан, укувли, касбни тезда ўрганиб кета оладиган, унга астойдил қизиққан ёшлар эгаллаши керак эди. Директоримиз Робияхон Раҳматова худди шундай қизларни истаб, қидириб, суриштириб юрганида танишининг фарзанди бўлган Муяссархонни учратиб қолади...

Ҳа, Муяссар Темирова артелимизга ана шундай бирмунча масъулиятли даврда ишга келган.

Лекин у шаҳардан ташқарида, яъни Бухоро туманининг Ўзбекон қишлоғида туғилиб ўсганига қарамай, асосан қадим Бухоронинг

ЗАР

Меҳр қолур...

ҚУЁШ НУРИН СОЧАВЕРАДИ

Етмиш ёшдан ошган бўлишига қарамай тетик-бардам, истараси иссиқ бу отахонни кўпинча пойтахтимиздаги У.Курбонов номли болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида учратиш мумкин. У елкасига оқ халат ташлаб, хоналарни айланар экан, кўнгли хаста болажонлардан кўнгил сўрайди, уларга узоқ умр тилаб, совға-саломлар, ширинликлар улашади. Отахон бу ердагилар учун жуда азиз. Унинг келишини интиқ бўлиб кутишади, талпинишади...

Ўшанда Наврўз айёми яқинлашаётган эди. Шайхонтоҳур туманидаги “Саноат” маҳалласида яшовчи Нажмиддин ота Муҳитдинов ўғил-қизлари ва бир неча маҳалладоши тўпланган даврада: “Ночор кишиларга меҳр-мурувват кўрсатсак қандай бўларкин”, - деди. Ҳамма бу таклифни бажонидил қўллаб-қувватлади.

Ҳеч вақт ўтмай Нажмиддин ота баҳоли қудрат тўпланган хайр-эҳсонни олиб, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига борди. У ердагилар юқорида тилга олинган касалхонани тавсия этишди.

Шифохона бош ҳакими Ирина Алексеевна Савельева жуда дилкаш аёл экан. Унинг елкасига оппоқ халат ташлади-да: “Юринг, кимларга қайишаётганингизни ўз кўзингиз билан кўрасиз”, дея хоналарни бирма-бир айлантириб чиқди.

—Ногирон болалар билан саломлашсак, ўринларидан турмоқчи бўлишади, аммо кўпчилигининг оёқ-қўллари ишламаслиги туфайли қимирлай олмайди, —дейди Нажмиддин ота маъюс. **- Икки бола эмаклаб олдимга келди. Уларни кўриб юрак-бағрим эзилди. Ахир шулар ёруғ дунёга келиб нима кўришяпти?**

Бош ҳаким бундай тиббиёт маскани Ўрта Осиёда ягона бўлиб, фалажга учраган беморлар даволанаётганини гапириб берди. Бу ерда ўн мингдан ортиқ бола рўйхатда турар экан. Улар соғайиб кетиши учун талайгина маблағ ва дори-дармонлар кераклиги ўз-ўзидан маълум.

Шундан бери Нажмиддин ота болаларни тез-тез йўқлайдиган бўлиб қолди. Уларга нафақасидан орттириб олиб бораётган бироз пул, нон, мева-чевалардан кўнгли тўлмади. Ўйлай-ўйлай ўзи қирқ йилдан ортиқ меҳнат қилиб, нафақага чиққан Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш заводига борди.

- Битта ногиронлар аравачасини имтиёзли берганимизда ҳам камида олти минг сўм туради, - деди корхона касаба уюшмаси раиси Рустам Абдураззоқов унинг дардини билгач.

- Майли, олти минг бўлса олти минг-да, мумкин бўлса ёздириб берсангиз.

Ширинсухан, аммо қатъиятли бу инсондаги саховат суҳбатдошининг кўнглини ҳам илитиб юборди. Рустам Абдураззоқов “шошманг-чи” дея касаба уюшмаси кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашиб кўрди-да, бир эмас, тўртта аравачани бепул беришга ваъда қилди...

Нажмиддин отанинг хайрли ишларидан хабар топган тележурналистлар “ойнаи жаҳон” орқали тайёрланаётган бир кўрсатувга таклиф этиб қолишди. Шунда у суҳбат орасида ўзи яшаётган маҳалладаги инсонлар томонидан кўрсатилаётган хайр-эҳсонлар ва болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида кўрганларини гапириб берди.

Шундан кейин отахоннинг саъй-ҳаракатига қўшилган таниш-билишлар, ҳатто бегоналар касалхонага топшириш учун мато, оёқ кийимлар, дори-дармонлар келтириб бера бошлашди.

- Мана шу минг сўм пул билан иккита пойафзални болаларга беринг, - деди “Фаол” маҳалласида яшовчи Саида ая Ҳакимова. - **Илойим, парвардигор улар дардига шифо берсин.**

Нажмиддин ота маҳалла ҳудудидаги дўкондан озиқ-овқатлар харид қилмоқчи бўлганида унинг мақсадини билган дўкон мудири Тошпўлат Абдураҳимов ўн кило ун, олти шиша пахта ёғи, икки кило қандни текинга берди.

- Жамоамиз анчадан бери хайр-эҳсон қилмоқчи эди, - деди у. **- Мана олинг, ўзингиз келиб қолдингиз. Оз бўлса ҳам кўпдек кўрасиз-да.**

Одамлардаги меҳр-оқибат Нажмиддин аканинг кўнглини тоғдек кўтариб, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. У имкон туғилди дегунча меҳр-мурувват кўрсатиш, яхшилик қилиш пайида. Теварак-атрофида яшаётган кишиларни ҳам Наврўзимиз туфайли тобора шаклланиб бораётган бундай савобли ишдан бенасиб қолмасликка ундайди.

Нажмиддин отани кўпчилик таниши табиий. Чунки у кўплаб кинофильмларда кичик ролларни ижро этган.

- Қўшнимиз Мухторият Жабборова жуда меҳрибон киши эди, - эслайди отахон. - **Бир оқшом ҳовлидаги супачада суҳбатлашиб ўтирганимизда: “Нажмиддин, кинода суратга тушишни хоҳлайсанми”, деб қолдилар. Ўйлаб ҳам ўтирмай “ҳа” дедим. Эртасига таниқли актёр Шукур Бурҳонов бош сиймони яратаётган “Синчалак” фильми суратга олинаётган жойга бордик...**

Шундан бери “Икки дил достони”, “Ганг дарёсининг қизи”, “Ленинградликлар - жигарбандларим менинг”, “Шум бола” каби 150 дан ортиқ фильмларда иштирок этдим.

- Сизда севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий совға қилган китоблар бор экан, деб эшитдик...

- Тўғри. Бизнинг шаҳар ҳовлимиз Себзор даҳасининг Шокиргузар маҳалласида жойлашган эди. Бу ерга ҳар ойда икки-уч марта шоирлар, ҳофизлар, таниқли зиёлилар ташриф буюришар, китобхонлик, аскиялар, қизиқ суҳбатлар ташкил этиларди. Дадам йиғинга келувчилар орасида шоир Хуршид, Мискин, Фақирий домла, Абдулла Авлоний, Раҳимий ва бошқалар борлигини айтардилар.

Кунлардан бир кун эгнига бекасам тўн, бошига духоба дўппи кийган, истараси иссиқ киши келди. У ёзувчи Абдулла Қодирий экан. Абдулла ака дадамга “Ўтган кунлар” романининг араб алифбосида ёзилган учта китоби ва “Меҳробдан чаён” китобини совға қилганлари ёдимда. Улардан бирига дастхат ҳам ёзиб берганлар. Ҳозирги кунда севимли ёзувчимиздан эсдалик бўлиб қолган барча китобларни кўз қорачиғимдек сақлаяпман. Улар нафақат мен, балки фарзандларим, невара-чевараларимга ҳам жуда азиз.

“Саноат” маҳалласида яшовчилар Нажмиддин отани “қалбида қуёши бор, ажойиб инсон”, дея таърифлашди. Бу шунчаки оддий мақтов эмас, албатта. Чунки унинг ҳаётига назар ташлаган киши ҳар бир куни, дамлари мазмунли ўтаётганининг гувоҳи бўлади.

Табиат ҳар қанча инжиқликлар қилмасин, қуёш атрофга нурин сочаверади, борлиққа илиқлик бахш этади. Шунга ўхшаш Нажмиддин ота ҳам турмуш қийинчиликларига қарамай ночор одамларга қўлидан келганча ёрдам беришга, умрини мазмунли ўтказишга интилади.

Одатда саховатпеша, оддий одамлар шундай яшайдилар.

Саъдулла ШОДИЕВ

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

Исломдан аввал Арабистонда қиз болалар тириклай кўмиларди. Ушбу ҳақиқатни Ҳазрат Умар (Р.А.) шундай ҳикоя қиладилар:

- Мусулмонликдан аввалги икки нарсани эслайманки, бирини эслаб йиғлайман, бирини эслаб куламан.

Ушбу нарсага йиғлайман. Бир кун қизимни, жажжи қизчамни, жигарпора қизчамни шу ўз қўлларим билан мозор (қабр) қазиб тириклайин кўмдим. Мен қизим учун ўз қўлларим билан чуқур қазир эканман, у менинг соқолимга сачраган тупроқларни жажжи қўллари ила силаб оларди. Қачон буни хотирласам доимо йиғлайман. Инсонликнинг қандай қоронғу даврларида яшаганимни тушуниб, тинмай кўз ёши тўкишдан ўзимни тияман.

Шунинг учун куламанки, йўлга чиққанимизда, турли сафарларда бўлганимизда ҳолвадан санам (бут) ясаб олардик. Унга Аллоҳ, деб сиғинардик. Йўлда қорнимиз очса, уни ер эдик. Шуларни қачон эсласам, куламан. Бу кофирлик, ақлсизлик шунчалик эди.

СУМАЛАКДАН ҲУМ... ТОПДИМ

Бўлган воқеа

Кунлар исиб, қор остидаги баҳор ҳам уйғона бошлади. Гўё бутун табиат қишки диққинафасликдан эркинликка чиқди. Совуқ кунлардан омон чиққан буғдойни кўриб одамларнинг кўнгли сумалакни тусай бошлади. Чунки йилда бир маротаба тайёрланадиган бу таомнинг мазасини ҳеч нимага алиштириб бўлмайди-да. Айниқса, наврўз арафасида маҳаллаларда сумалак сайли авж олиб кетади. Сумалак пишириладиган тунда ҳеч ким ухламайди. Кимдир ўчоққа ўт қалаган, кимдир сув ташиган. Аёллар қозон атрофида ўтиришиб сумалак ковлаш баҳона бир-бирларига ҳасратини ёйиш пайида бўлишса, кампирлар эса кечаси билан чилдирма чалишиб, ашулалар айтишиб, Наврўз ҳақидаги турли хил ривоятларни сўзлаб, кун бўйи тинмаган ёшларнинг шаштини тонггача чўзиш билан овора. Энг маззаси болаларга бўлади. Чунки улар аллақачон қувалашмачоқни бошлаб юборишади-да. Хуллас, ҳамманинг юзида хурсандчилик.

Эшитишимча, қайси бир йили Сирдарё вилоятининг чекка қишлоғидаги бир маҳалла аҳли сумалак пишириш учун буғдой ўстиришибди. Буғдойнинг бир текисда ўсганлигини кўриб, маҳалладагилар сумалагимиз жуда ширин бўлса керак деб орзу қилишибди. Хонадонларнинг бирида маҳалла аёллари тўпланишиб, турли хил баҳорги таомлар пиширишга киришишибди. Эркаклар эса атрофини кенг қилиб ўчоқ қазишни бошлаб юборишибди. Бу кун бутун маҳалла сумалак қозон атрофида жамулжам бўлибди.

Лекин, нима бўлибди-ю, чопа-чоп, ғала-ғовур билан бўлиб маҳалладаги бир хонадон айтилмай қолибди. Бу ҳолатдан ҳайрон қолган оила соҳиби: “Нега бизни ҳеч ким сумалакка айтмади, маҳалладагиларга нима ёмонлик қилган эканмиз?” деган истиҳолаларга борибди.

Ўйланиб-ўйланиб оила соҳиби қўшниларидан ростакамига хафа бўлибди. Кўнглини аламгами, ҳасадгами ўхшаш бир нарса сиқа бошлабди. Охири, тонг ота бошлаган пайтда сумалак пиширилаётган хонадонга билдирмай кириб борибди-да, кечаси билан ухламай мудраб ўтирган маҳалладошларининг энди тайёр бўла бошлаган сумалагига билдирмай тупроқ ташлаб қўйибди. Шундай қилиб бир киши норозилиги боис не бир ҳасратда тайёрланган сумалак ҳеч кимга насиб қилмаган экан.

КАМОЛИДДИН

Қадрият

ШОҲМОЙЛАР УДУМИ

Қашқадарё воҳасининг қуйи қисмида анъанага кўра, шоҳмойлар маросими, яъни далага қўш чиқариш кунини қишлоқдаги оқсоқол, тажрибали деҳқонлар белгилаб беришган. Бу маросим душанба, чоршанба ва жума кунларидан бирида ўтказилган. Чунки деҳқонлар тасаввурича бу кунлар омадли кунлар ҳисобланган.

Бурун қўш чиқариш Наврўз (“Йилбоши”) кунлари ўтказилган бўлса-да, бироқ об-ҳаво яхши келиб, ерлар етилса, мазкур маросим Наврўзга қадар ҳам ўтказилаверган. Шоҳмойлар тантаналарига қишлоқнинг эркагу аёли баб-баравар тайёргарлик кўришган. Ҳар бир хонадон имкониятига қараб хилма-хил таомлар пиширган, қатлама-патирлар ёпилган. Маросим ўтказиладиган жой супуриб-сидирилиб, шолча, кигизу гиламлар тўшалиб, дастурхонлар ёзилган. Қишлоқнинг барча аҳолиси тўплангач, қишлоқ оқсоқоли: “Ишларингга, бошларингга кушойиш берсин; худо ёр, арвоҳлар қўлласин, Бобо деҳқоннинг ўзи мададкор бўлсин”, деб дуофотиҳа қилган. Шундан кейин пиширилган таомлар қишлоқ аҳлига тарқатилган. Сўнг қўш чиқариш учун махсус боқилган ҳўкизлардан бири олиб чиқилган ва ўтган йил ҳосилининг охирги тутамидан тайёрланган кулча қишлоқнинг барча обрў-эътиборли қариялари ва маросимнинг бошқа қатнашчиларига, бир бурдаси ҳўкизга ҳам берилган. Масалан, қуйи Қашқадарёнинг Қатағон қишлоғида ҳўкизларнинг шохига бақувват бўлиши учун зиғир мойи суртилган. Кўз тегмасин, инс-жинсдан ва ёвуз руҳлардан асрасин деб, исириқ ҳам тутатилган.

Дастлабки қўшни энг ҳурматли, серфарзанд кайвони ва мўйсафидлардан бири солган. У қўш билан кучи етгунча ёки ўз имкониятига қараб бир, уч ёки беш марта, умуман тоқ марта ҳайдаган. Сўнгра, қария ирим учун ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутамидан олинган буғдойдан ҳайдалган ерга бир неча ҳовуч сепган ҳам. Барча удумлар бажарилганидан сўнг ҳамма деҳқонлар ҳўкизларини етаклашиб ўз хонадонларига қайтганлар ва шу тариқа баҳорги экин-тикин юмушлари бошланиб кетган.

Туркона удумлар одамлар ўртасидаги меҳр ришталарини кучайтириб, эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Халқнинг умрбоқий удумларини билиш ва унга амал қилиш кишиларга миллий ўзлигини англашига ҳам ёрдам беради.

Ф.РАҲМОНОВ,
Қарши Давлат университети аспиранти

САЖДАГОҲ ҚАЕРДА?

Онажоним, сизни жуда соғиндим,
Уч ойки ҳолингиздан олмадим хабар.
Бу кеча тушимдан чўчиб уйғондим,
Баҳона тополмай қолдим бу сафар.

Тушимда кўз ёш-ла, мени кучибсиз,
Сиз эмас, мен гина қилар эмишман.
Ишларнинг кўплигин баҳона қилиб,
Қўлларингиз аста силар эмишман.

То тонггача алаҳсираб чиқдим мен,
Сиз-чи, мени маҳкам ушлаб олибсиз,
Руҳим олисларга қўйиб юбормай,
Ортимдан зор бўлиб йиғлаб қолибсиз.

Бу кеча тушимдан чўчиб уйғондим,
Сиз томон қишлоққа-йўлга чоғландим.
Тошкентни қор босиб қолибди яна,
Довондан ўтолмай яна боғландим.

Умр ўтиб борар, айланар фалак,
Кексайиб қолгансиз отам билан сиз.
Менинг олимлигим кимга ҳам керак,
Кимларга даркордир бу юрак ҳиссиз?!

Пайғамбарлар қарздор онаи зордан,
Дея ёзмиш илоҳий китоблар такрор.
Тирикликда йўқламай, сўнгра мозордан,
Она меҳрин излаб юрмоқлик бекор.

Оллоҳим онамга узоқ умр бер,
Шунда мен қайтадан гўдак бўламан.
Гуноҳсиз бўламан, ҳажга бормайин,
Шунда мен мусулмон бўлиб ўламан.

Мусофир подшоҳдан гадолик улуғ,
Эъзозлай саройдан отам лой томин.
Саждагоҳ қаерда, саждагоҳ Ватан,
Киндик қоним томган шу она замин.

Дадахон ЁҚУБОВ

Наврўз сумалак билан

Нашр

ИСМИНГИЗНИНГ МАЪНОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Исм қўйишнинг ўз кўҳна тарихи, қонун-қоидалари, расм-русумлари, ирим-сиримлари, лексик-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатлари бор. Исм танлаш мезонлари замон ва маконга, тузумга, маҳаллий шарт-шароитга қараб ўзгариб туради. Нега “чиройли” исмлар билан “хунук” исмлар, “маҳаллий” исмлар билан “келгинди” исмлар, “замонавий” исмлар билан “қадимги” исмлар ёнма-ён юради? Нега ҳаммага “чиройли” ва “замонавий” исм қўйилмайди? Ҳар бир исмнинг асл маъноси нима? У қаердан келиб чиққан? Унинг тарихи ва этнографияси борми? Исм танлашда қандай мезонларга риоя қилиш керак? Ўзбек исмлари лотин алифбосида қандай ёзилади? Фуқаролик ҳолатларини қайдлов ҳужжатлари идоралари (ФҲҚИ - ЗАГС), паспорт бўлимлари ва бошқа расмий идоралар фуқароларнинг исм-фамилияларини қайд этишда қандай қўлланма ва кўрсатмаларга асосланиши керак? Хуллас, бундай “нега-нега”лар сон-саноқсиз. Шу каби саволларнинг, аниқроғи, муаммоларнинг деярли барчасига баҳоли қудрат жавоб берадиган қўлланмага эҳтиёж катта эди. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти чиқарган, таниқли олим, профессор Бегматов Эрнст Азим ўғлининг “Ўзбек исмлари маъноси” изоҳли луғати биз кутган ана шундай асардир. 608 бетдан иборат бу китоб халқимиз ичида қўйилиб келинаётган 14600 исмнинг изоҳини ўз ичига олади. Бундай салмоқли китобни чиқаришдан асосий мақсад исмларнинг маъносини очиб бериш ҳамда ота-оналарга янги туғилган фарзандлари учун ўзларига маъқул исмни танлашга ёрдамлашиш, айни вақтда, ўзбек исмларини кириллица ва лотин алифбосида тўғри ёзишда ҳар бир кишига, шу жумладан, расмий идораларга кўмаклашиш, шу расмий идораларда баъзан учраб турадиган аҳвол - фуқароларнинг исм-фамилияларини қайд этишда чалкашликларнинг олдини олишдир. Ўзбек исмлари ҳақида шу кунгача анча-мунча китоблар ёзилган. Уларнинг баъзилари - “Киши номлари имлоси” (1970), “Ўзбек исмлари имлоси” (1972), “Ўзбек исмлари” (1991), “Исм чиройи” (1991) каби китоблар ҳам Э.Бегматов қаламига мансуб. Лекин санаб ўтилган асарларда ўзбек исмлари маъноси” борасида етарли маълумотлар йўқ. Муаллиф янги “Ўзбек исмлари маъноси” китобида эса исмларнинг маъносини илмий асосда ёритиб беришга интилган.

Ўзбек исмлари изоҳли луғатининг бош қисмида Қуръони каримда тилга олинган Оллоҳнинг “Гўзал исмлари”ни (арабча “ал-Асмо ал-Ҳусно”) бериш жоиз кўрилган (Абдулазиз Мансур тайёрлаган.) Зеро, ўзбек исмларининг аксарияти мусулмон илоҳиётида кенг ўрин тутган шу “Гўзал исмлар”га асосланади. Луғат сўнгидаги “Ўзбек исмлари этнографияси” бўлимида исмларнинг маъноларини изоҳлаш билан боғлиқ баъзи илмий-назарий фикрлар қайд этилган. Асарнинг “Исмлар таркибида доимо такрор ҳолда келувчи баъзи сўзлар маъноси” бўлимида эса, “абди, абду” (маъноси - қул, ғулом, банда, сиғинувчи, итоат қилувчи), “бой, вой” (маъноси- асли бойлар, бадавлатлар авлодига мансублик: бой-бадавлат, ҳукмрон, жаноб...) каби сўзларнинг изоҳи келтирилган.

Китобнинг асосий қисми - “Ўзбек исмларининг изоҳли луғати” муаллиф узоқ йиллар мобайнида тўплаган 15 мингга яқин исмнинг маъносини ўз ичига олади.

Шу бўлимдан айрим намуналарни келтирамиз:

АБУЛҲАМИД, Abulhamid (арабча) - Аллоҳга ҳамду сано айтувчининг отаси ёки олқишга сазоворнинг, хушфеълнинг отаси;

АЗИЗАБЕГИМ, Azizabegim (арабча-ўзбекча) - беклар наслидан бўлган қадрли, суюкли қиз;

ГАДОЙМУҲАММАД, Gadoymuhammad (форс-тожик-арабча) - Муҳаммад (сав)дан тилаб олинган бола ёки тилаб олинган ўғилга Муҳаммад ўзи ёр бўлсин, қўллаб юрсин;

ГУЛНОРА, Gulnora, (форс-тожикча) - анор гулидек зебо, гул чеҳрали қиз ёки анор гуллаганда туғилган қиз;

ОЗОДБЕК, Ozodbek (форс-тожик-ўзбекча) - беклар наслидан бўлган ҳур, бахтиёр бола;

ОЙЗУҲРА, Oyzuhra (ўзбек-арабча) - Ой ва Зуҳра юлдузидек гўзал қиз ёки Ойдек кўркам ва ҳаёти Зуҳра юлдузидек ёрқин бўлсин...

Ушбу китоб ўзбек исмшунослигида салмоқли қўлланма бўлиб қолади, хонадонларда, фаолиятлари фуқароларнинг исм-фамилияларини қайд этиш билан боғлиқ расмий идораларда ўз ўрнига эга бўлади, деб ишонамиз. Луғат кўлёмасини нашрга тайёрлашда махсус муҳаррир, таниқли журналист Раҳима Шомансурованинг ҳиссаси катта.

Умуман, исм танлаш одати мафкуравий ва диний ақидаларга ҳам чамбарчас боғлиқ. Буни араблар Туркистонни истило этганларидан кейинги даврларда кенг расм бўлган исмлар ҳам тасдиқлайди: Абдуваҳҳоб, Абдуғаффор, Олломурод, Оллоқул, Қурбон, Рамазон... Ўрта Осиёни руслар босиб олганидан сўнг ўзбек исмларига рус тилидан ва улар орқали бошқа халқлардан кирган исмлар аралашди. Исм танлашга қўшни халқларнинг исмлари ҳам таъсир қилади, албатта.

Ҳар бир даврда удум, ирим билан боғлиқ муайян исмлар пайдо бўлади. Исмлар, лақаблар, тахаллуслар ва инсонни номлашнинг бошқа шакллари ҳар бир халқнинг она тилига хос қимматли бойлик ҳисобланади. Исм танлашда риоя қилиниши лозим бўлган номлаш маданияти нималарда намоён бўлади? Бу борада Э.Бегматовнинг изоҳли луғатига мурожаат этадиган бўлсак, биринчидан, болага исм танлаш ишига пухта ўйлаб, иложи борича, анъаналарга боғлаб ёндошиш керак. Иккинчидан, кишининг исм-фамилияси ва ота исмини расмий ҳужжатларда (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ва ҳоказо) тўғри ёздириш лозим. Учинчидан, кишининг исм-фамилиясини аниқ ва тўғри айтиш, тўғри талаффуз қилиш, ўринсиз равишда шаклан бузмасликка интилиш керак. Тўртинчидан, чақалоққа исм танлаганда тилдаги мавжуд, тайёр номлардан фойдаланиш билан бир қаторда янги, диққатни тортувчи, ўзига хос исмлар топишга интилиш керак. Биринчидан, исмларда миллий руҳ сақланиши, уларнинг она тилимиз қонуният ва талабларига мос бўлиш учун ҳаракат қилиш лозим.

Исм танлашда кўп халқларга, шу жумладан, ўзбекларга хос бир удум бор: чақалоққа исмни ҳурмат юзасидан оиладаги кексалар танлайди.

Ўзбекча исм танлашда дуч келинадиган муаммолардан яна бири фамилия ва ота исмларини тўғри ишлатиш масаласидир. Илгари ўзбекларда фамилия ва ота исмлари оммавий равишда удум бўлмаган. Кишини унга қўйилган ном билан атаганлар. Шахсни номлашнинг оммалашган усулларидан бири ота исмидан кейин “ўғли”, “қизи” сўзларини ишлатиш бўлган. XX асрнинг 30 - 40-йилларига келиб ўзбеклар ҳам расмий равишда русча шаклдаги фамилия ва ота исмларига ўтказилди. Шу янги усул расман қоида қилиб олинди ва бошқа барча миллий-маҳаллий шаклларни расмий равишда ёзиш ман этилди. Ўзбеклар эндиликда ўз номларини шахсий ҳужжатларда хоҳлаган шаклда ёздиришлари мумкин. Лекин, бизнингча, ҳозиргача қўлланилиб келинган шакллардан тамомила воз кечиш ҳам бир ёқламалилик бўларди. Бунда “сих ҳам, кабоб ҳам куймасин” қабилида иш тутган маъқул.

Дилшод МИРБОБОЕВ

ҚЎШИҚ

одамлари, йигит-қизлари ишлайдиган жамоага тезда ўрганиб, улар билан тил топишиб, қийналмай ишлаб кетди. Чунки унда зардўзликка иштиёқ ниҳоятда кучли эди. Иккинчидан, биз унда биринчи кунданоқ ўзига хос туғма дадилликни, аниқроғи, бош устозимиз Робияхон опага ўхшаш ўт-оловликни, шиддатни сезганмиз, кузатганмиз. Балки директоримиз худди шунинг учун ҳам уни кўриши билан, “менда ишлайсан”, дегандир.

Баъзи ёшлар расман касб ўрганиб бўлиб, мустақил ишга ўтгач, сохта “раҳмат”ини айтиб, илк устозидан узоқлашишади. Муяссархон эса, ўзига зардўзлик сирларини улашган Махсума опадан нари кетмаган. Ишдан бўш вақтларида, дам олиш пайтларида унинг ёнида бўлишга, атоқли зардўзлар, уларнинг тажрибалари ҳақидаги мароқли, ибратли ҳикояларини тинглашга интиларди. Унинг мақсади иложи борича тезроқ муддатда ҳақиқий, чинакам малакали зардўз бўлиб етишиш эди. Шу боисдан устозига саволлари кўп бўларди. Бир куни Махсума опа шогирдининг саволларига жавоб бераверип чарчайди, аммо унинг ўта қизиқувчанлигидан, яъни касбга ўзини бутунлай бағишлаганлигидан барибир такрор мамнун бўлади ва: “ Муяссаржон, сен ёш зардўзмисан ёки зардўзшуносмисан?” —дея кулиб шу заҳоти чарчоғини унутади.

1963 йили артелимиз негизида зардўзлик фабрикаси ташкил этилди. Жамоа сафи кенгайиб, унга янги ёш кучлар қўшилиши керак бўлди. Шунда шахсан бошлиғимиз Робияхон Раҳматованинг тавсияси билан Муяссар Темирова фабрикага қадам қўяётган ёшларга касб ўргатувчи уста қилиб тайинланди. Уни ўқувчилар, ўрганувчиларнинг илк гуруҳига таништираётганда, директоримиз фахрланиб шундай деган: “Муяссар опангиз яқиндагина, атиги етти йил бурун бизга ишга келганди. Ана шу қисқа даврнинг ўзидаёқ у зардўзликнинг ҳақиқий устаси бўлиб етишди. Сабаби оддий: унда энг аввало касбга иштиёқ, қизиқиш, муҳаббат ниҳоятда кучли эди. Сизлар ҳам шу йўлдан, яъни илк устозингиз изидан борсангизлар, кам бўлмайсизлар”.

У янги вазифасини ҳам кутилганидек, уддалади. Қўлида кетма-кет иш ўрганган ёшларнинг деярли ҳаммасини ишчилар қилиб тарбиялаб, зардўзлар сафига қўшди. Кейинчалик ишлари, изланишлари устозлар, мутахассислар томонидан эътироф этилиб, номлари турли давраларда, ҳатто радио ва газеталарда таъкидланганида, “Мен Муяссар Темированинг шогирдиман!” дейдиганларнинг кўпи ўша илк гуруҳда таълим олган ёшлар эди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида фабриканинг пойабзал цехи режаларини муттасил бажара олмайдиган қолоқ участкага айланиб қолди. Нима қилиш керак? Фабрика раҳбарияти аввал, камчилик сабабларини ҳар томонлама таҳлил этиб, хулоса чиқариб ишни ўнглаб кетар, деган мақсадда цех бошлиғига қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Лекин, барибир, ишда кутилганидек ўзгариш бўлмади. Шунда директор цех бошлиғини махсус буйруқ билан бўшатди-да, ҳеч иккиланмасдан унинг ўрнига Муяссар Темировани тайинлади...

Зардўзлик буюмлари ва кийимларига эҳтиёж ошиб борганлиги, халқ амалий санъатининг бу ажойиб турига ёшлар даврасида қизиқиш тобора кучаяётганлиги, қолаверса, вилоят туманларидан, “бизларнинг ҳам ўз зардўзчиларимиз бўлса”, деган таклифлар тушаётганлиги туфайли жойларда фабриканинг филиалларини очишга тўғри келди. Ғиждувон туманида ана шундай филиал очишга қарор қилинганда фабрика раҳбарияти Муяссар Темировани ҳам у ерга асосий ташкилотчилардан ва муаллимлардан бири қилиб юборди. Туманга машҳур зардўз келганини эшитиб, у кишининг қўлида мен ишлайман, деб интилганларнинг сони кўп эди. Йигит-қизларнинг бундай иштиёқларини кўрган филиал ташкилотчилари фабрика раҳбариятидан белгиланганидан кўпроқ ўринлар беришни илтимос қилишди.

Филиалга аввал ўқувчи, иш ўрганувчи сифатида қабул қилинган ёшларга асосан Муяссар Темирова ҳунар ўргатди. Ҳассос зардўзни махсус жадвал бўйича ўтказиладиган кундалик машғулотлар тугагандан кейин ҳам касбга чанқоқ йигит-қизларнинг даврасида кўриш мумкин эди.

Саксон олтинчи йилда иш бошлаган филиал кўп ўтмай ўзининг илк маҳсулотини халққа тақдим этди. Ўзларининг туманида ҳам чиройли зардўзлик буюмлари ва кийимлар тайёрлана бошлаганини кўрган ғиждувонликларнинг қалбида беихтиёр ифтихор туйғулари пайдо бўлди...

Кейинчалик Бухоро шаҳрининг Марказий бозор майдонида, Қоракўл, Бухоро туманларида, шунингдек, Навоий шаҳрида очилган филиалларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиб кетишида ҳам у ерларга махсус бориб муаллимлик қилган, айни вақтда етакчи уста сифатида ишлаган фидойи зардўз Муяссар Темированинг хизматлари катта. Кўп ўтмай, мустақил жамоалар сифатида ишлай бошлаган мазкур филиалларнинг раҳбарлари бежизга Муяссар опадан миннатдор бўлиб, унинг ташрифидан фахрланиб гапиришмайди.

Эҳтиёж, зарурат туфайли у зардўзликнинг ташкилий ишлари билан кўпроқ шуғулланиб қолган бўлса-да, асло ижодни ташлаб қўйган эмас.

Ҳа, ҳамкасбимиз, Ўзбекистон халқ рассоми Муяссар Темированинг қўли ҳам, игнаси ҳам, асари ҳам ана шундай ҳайратли, ана шундай мўъжизавий! Бизнинг юртдошларимиз эса, бунга аллақачон, яъни Тошкентдаги муҳташам Халқлар дўстлиги, Туркистон, Санъат саройларидаги, шунингдек, “Бухоро” меҳмонхонасидаги нафис пардаларни кўрганларидаёқ, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида шеърият мулки султонининг улуғ тўйи муносабати билан ишланган, эни 6, баландлиги 4 метр бўлган улкан паннони томоша қилганларидаёқ такрор-такрор амин бўлишган!

Устоз зардўз тўқсон тўртинчи йилдан бошлаб юқори сифатли бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бригадасини муваффақиятли бошқариб келяпти. Бир сўз билан айтганда, эндиликда очиқ турдаги “Зардўз” ҳиссадорлик жамияти деб аталаётган ишхонамизнинг кейинги қирқ йил ичида эришган ютуқларида, юксалишларида, қолаверса, бутун вилоятимизда зардўзлик санъатининг равнақида Муяссар Темированинг ҳиссаси ниҳоятда катта. Истиқлол йилларида эса, бу ҳисса янада салмоқдор бўлди. Бу хулоса фақат менинггина (Лола Ботирова, сифат текшириш комиссиясининг раиси - ***муалл.***/ эмас, балки, ҳозирги директоримиз Ҳамроғул Ғуломова бошлиқ бутун жамоамизнинг дил сўзидир.

Юсуф БЕРДИЕВ

Азиз юртдошлар!

Халқаро "Наврўз" жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамда Халқ банки томонидан чиқарилган "Инсон манфаатлари учун" хайрия лотереясининг сўнгги бешинчи босқичи сотувга чиқарилди. Унинг олдинги тўрт босқичида ҳамюртларимизнинг кўпчилиги уй-жой, автомобиллар ва катта пул ютуқларига эга бўлганлиги ҳаммангизга маълум. Бешинчи босқичда пул ютуқлари ўйналади. Омадли лотерея соҳиблари мустақиллигимиз байрами арафасида 5000000 сўмгача ютуқлар олиши мумкин. Яна бир янгилик: ушбу лотерея ўйинларида кўпчилик иштирок этишини ҳисобга олиб, унинг нархи 50 сўм қилиб белгиланди. Бу мамлакатимиздаги энг арзон ва энг катта ютуқли лотереядир.



Лотерея Халқ банкининг барча бўлимларида сотилмоқда!

НАВРЎЗ" сизга омад келтирсин!

ПАРИЖ ТАН ОЛГАН "ГУЛИ СУРХ"

ва унинг ижрочиси бухоролик ҳамюртимиз ҳақида

БАРНО

1997 йили Парижда ўтказилган йилнинг энг яхши қўшиғи танловида ҳамюртларимиздан бири Нишон Отамуродовнинг "Гули сурх" деб номланган қўшиғи тан олинган экан.

Нишон Отамуродов асли Бухородан. 1979 йилда унинг ташаббуси билан вилоят касалхонаси қошида "Гиёҳ" халқ чолғу ансамбли ташкил топади. Ансамблнинг мақсади — унутилиб кетаётган халқ ашулалари, лапарлари, яллаларини излаб топиш, қайта ишлов бериб саҳнага олиб чиқиш эди. Аввалига "Гиёҳ"нинг илк қўшиқлари касалхонанинг даволаниш хоналарида, кейин Бухоро шаҳрининг ўзида, районларида, бора-бора бошқа вилоятларда, собиқ Иттифоқ республикаларида янграй бошлади. Навоий, Саъдий, Фузулий, Умар Хайём ғазалларига айтиладиган қўшиқлар, "Шошмақом" тароналари шу гуруҳнинг сози билан чет элларда ҳам янграй бошлади.

Халқаро миқёсдаги илк ижро 1992 йили Қозоғистонда бўлган халқаро "Осиё овози" танловида иштирок этиш билан бошланди. Ўшанда бу танловга жаҳонинг машҳур хонандаларидан Патрисия Каас ўзининг "Спейс" гуруҳи билан, Ҳиндистонинг "Шанти" гуруҳи, Италиядан "Рец" гуруҳи, Германиядан "Икки дунё" номли турк хонандалари гуруҳи, Россиядан машҳур қўшиқчилар Александр Серов, Филипп Киркоров, Женя Белоусовлар, ўзимизнинг таниқли хонандаларимиздан Юлдуз Усмонова, Мурат Носировлар иштирок этишганди. Ана шундай катта саҳнада айтилган қўшиқлар орасида "Гиёҳ"нинг "Наврўзи омад" қўшиғи кўпчилик мухлислар олқишига сазовор бўлади.

Шундан кейин ансамблнинг репертуаридаги ўзбекча, русча ва тожикча қўшиқлар Душанбе, Эрон, Россия, Нью-Йорк саҳналарида янграйди. Унинг илк лазер диски эса 1996 йили АҚШда чиқарилади. Иккинчиси эса 1997йили Францияда чиқарилади ва юқорида айтганимиздек "Гули сурх" қўшиғи билан французларни лол қолдиради.

... Муножот Йўлчиева куйлаган "Тановар" французларни эритган экан. Муяссар Раззоқова ижросидаги оперетталар санъатнинг ватани бўлган Греция саҳнасида янграганида, греклар уни гулларга кўмиб юборишган экан. Юлдуз Усмонованинг "Дунё" номли қўшиғини европаликлар ўзбек тилида куйлашган экан. "Гиёҳ" куйлаганда эса 23 мингликлар томошабиннинг ҳаммаси "Бухоро, Бухоро!" дея қичқириб жўр бўлишган экан.

Мана шу "Гиёҳ" ансамбли бу йил ўзининг йигирма йиллик санасини нишонлаш арафасида турибди. Демак, бу ютуқларнинг ортида йигирма йиллик тинимсиз меҳнат, интилиш, изланиш ётибди. Дангал айтганда, уларнинг чет эллардаги муваффақиятларини эшитганда фақат ва фақат фахрланасан, киши. Кўнглингда ифтиҳор ҳиссини туясан: бизнинг — ўзбекларнинг миллий куй-қўшиқларини дунё тан олаяпти, севиб тинглаяпти.

Шундай экан, биз "Гиёҳ" ва унинг раҳбари Нишон Отамуродовнинг бундан кейинги ишларига яна-да баланд парвозлар, омад ва ютуқлар ёр бўлишини истар эканмиз, халқ меҳри уларни ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаймиз.

ОВОЗА

Мева—сабзавот харид қилувчиларнинг кўпчилиги Қўйлиқ мол бозорига бораётган эмиш...

Яқинда бир тўйга таклиф қилиб қолишди. Бордим. Хонадон эгаси анча уринган шекилли, тўкингина тўй бўлаётган экан. Ёру дўстлар келин билан куёвга бахт тилашиб, дилларидаги жами яхши ниятларини шу икки ёшга билдиришиб, қадаҳларни бўшатмоқда эдилар. Тўй авжи қизиган маҳали тўйхонага кўҳликкина бир жувон кириб келди. Ҳеч қаёққа қарамасдан тўрда ўтирган келин-куёв томонга қараб юрди-да, бирдан келинга қараб бақира кетди:

—Бахтсиз экансан, келин, бахтсиз! Ёнингдаги йигит мени бахтсиз қилиб, ташлаб қочмоқчи бўлди. Номард қаергача борардинг? — куёвга юзланди у. — Бировнинг бахти эвазига бахтли бўлолмайсан!

Кутилмаган бу ҳолатдан довдираб қолган келин бир куёвга, бир жувонга жавдираб боқарди. Куёв аввалига бироз талмовсираб турди-да, кейин "кет бу ердан!" деди жувонга буйруқ оҳангида.

—Қилғиликнинг қилиб кўйиб, энди ўзингни оқ кўрсатмоқчимисан! Ҳамма билсин сенинг кимлигингни! Муттаҳам, ёлғончи!

Жувон алам билан бақирар, тўйхонада эса аллақачон йигитнинг кимлиги устида ўзаро шивир-шивир бошланиб кетган эди. Кимдир тўрда ўтирган келиндан баттар лол, кимдир дарров сўраб-суриштиришга тушиб кетган, яна кимдир шундай бўлишини аввалдан билгандай бошини сарак-сарак қимирлатиб ёнидагиларга ниманидир уқтириш пайида эди. Лекин, ҳамма бу ёғи нима бўларкин, деб қизиқсиниб турса-да, уларнинг кўзларидан "энди-тўй бузилса керак-ов" деган маънони уқиш мумкин эди. Лекин...

Кутилмаганда келиннинг онаси жонҳолатда келиб жувонга ёпишди:

— Жон болам, тўйни бузма! Айланиб кетай, қизим, тўйни бузма! Ёлғиз қўл билан қиз ўстириб, энди тўй кўрдим дегандим. Худо хайрингни берсин, озмунча уринмадим, қизим. Нима бўлса Худодан кўргин энди. Мен ҳам Худодан кўрдим, бахтингни бергур!..

"Вой, ўлси-и-ин!" Ҳали анграйиб турганларнинг ҳаммаси энди бири олиб, бири қўйиб гапга тушиб кетди:

— Ҳ а й Фалончихон, куёв ўлгур уйланган эканми? Эссиз, гулдай қиз-а! Бўлмайди, тўйни бузиш керак...

—Қандай қилиб бузади, шунча ҳаражат-а! Ўзи амал-тақал қилиб яшаётган бўлсак, йиғиб-териб энди тўй қилдим, деганда-я!? Шунга айтади-да, камбағални туянинг устида ҳам ит қопади, деб...

—Келин нима қилади, энди? Авзойидан бу жувон яшатмайди. Унинг устига ҳомиладор шекилли. Бу куёвни тайин-тутуриғини суриштиришмабди-да...

—Билишмайди, дейсизми? Бунақа гап ўлақолса ерда ётмайди. Билишган, бу аниқ!

Ҳонбиби ҲИММАТ қизи

СОВУГАН ТЎЙ, УЙЛАНГАН КУЁВ, БЕЧОРА...

Бир қизнинг гулдай умри сохта паспорт эвазига хазон бўлди

Бошқа бир балоси бор-да, ахир онасининг ялинишини кўринг...

—Куёвни топиш-тутиши жуда зўр дейишганди. Шунга бўлса керак-да, бирини олиб, бирини қўйиб юрган экан.

—Йўқ, қизга паспортини кўрсатган экан, уйланмаганман, деб.

—Э, паспорт ҳам гап бўлибдими, озроқ сарф қилсанг, уни ҳам "текис" қилиб беришадику!..

Хуллас, ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаб, хулоса ясашга тушиб кетганди. Давранинг ўртасида бўлса, келин онасига ялинаяпти: "Тўйни тўхтатинг, тегмайман" деб, онаси бўлса жувонга ялинарди: "Тўйни бузма, ёлғиз қўл бўлсам, яна қандай қилиб тўй қиламан?!" Жувон бўлса, куёвни қарғарди...

Мен бу аянчли воқеаларни кўриб, худди, залда ўтириб фожеали саҳна томоша қилаётгандек эдим. Ҳамма иложсиз эди, назаримда. Лекин, тўй тўхтамади. Жувонни деярли судраб олиб чиқиб кетишди. Келинни мажбурлаб яна тўрига ўтказиб қўйишди. Куёв ҳам тўй тугагунча бошини қутармади. Тўй совиб кетганди...

"НАВРЎЗИ ОЛАМ" МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарийлар! Аввало, қуйида таърифланган ва шеърий мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ечинг.



1.Мутафаккир, мумтоз шоир Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достонида "Наврўз" — янги кунни байрам қилишга фармон берган подшоҳ — 27, 2, 15, 20, 6, 22.

2.Наврўз сайлларида ўтказиладиган миллий чавандозлик мусобақаси — 14, 8, 26, 14, 2, 7, 6.

3.Қадим ўтмишда Наврўз кунлари одамлар бир-бирларига ҳадя қилган ширинлик — 23, 2, 1, 22.

4.Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг баҳор айёмига бағишлаб ёзган шеъри — 1, 2, 16, 7, 8, 10. 14, 4, 1, 6, 22, 2.

5.Ўзбек ва тожик халқларининг мусиқа меъросидаги "Ўн икки мақом" шўъбаларидан бири — 1, 2, 16, 7, 8, 10, 6. 5, 2, 18, 17, 6, 21.

6.Наврўз айёмида жамоа бўлиб пишириладиган қадимий миллий таом — 13, 2, 3, 6, 15.

7.Ҳинд халқининг қадимий миллий қаҳрамонлик эпоси "Рамаяна" билан боғлиқ байрами — 22, 6, 20, 25, 7, 2.

8.Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик хушбўй, кўркам манзарали ўсимлик — 7, 2, 24, 1, 9.

9.Бир йилни ташкил этувчи тўрт мавсумнинг бири — 19, 2, 11, 3.

10.Кун чиқиш пайти — 17, 9, 1, 12.

Энди жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан йўналиш бўйича ўқиш билан ўзбек мумтоз шоири, тарихнавис олим, таржимон Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий қаламига мансуб олти мисра шеъри аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Поможим срочно сдать, снять квартиру.
Тел: 34-62-67

Тадқиқот

КИТОБ ЎҚИЙСИЗМИ?

"Янги ўзбек"лар китоб ўқимаганлардан чиқаркан

Нусрат РАҲМАТ

Хотиржам бўлинг: мен китоб ўқиган ундоқ бўлади, ўқимаган бундоқ, деган эски ақидани такрорламоқчи эмасман.

Энг аввало, ўзим ўтказган айрим микротадқиқотлардан воқиф этмоқчиман сизни.

Оилада китоб мутолаа қиладиган катталар (бобо,буви, ота, она) бўлганда бундай хонадондаги болаларнинг ўндан саккизи ўқишга бериладиган бўлишаркан. Катталар ўқишмаса болалар ҳам...

Энди бунга эътибор беринг: **ҳозир энг кўп китоб ўқийдиганлар - беморлар, санаторияда дам олувчилар, геологлар, асаларичилар, пенсионер ва ўсмирлар бўлиб чиқишди. Энг кам ўқийдиганлар, афсуски... ёзувчилар, ноширлар, шоирлар, раҳбарлар экан.** Менинг бу кузатишларим нисбий, албатта. Агар бирор олим чуқурроқ текшириш ўтказиб, менинг кузатишларимни пучакка чиқарса, худо ҳаққи, қувонардим ҳам.

Энди мана бу парадоксал (таъбир жоиз бўлса) ҳолга эътибор беринг: **Ҳозир чиққан "янги ўзбеклар"нинг аксари ёмон ўқиган, олий мактабни битирмаган ёки зўрға битирган кишилар. Фан кандидатлари, докторлари зориқибгина яшаётган бир пайтда уларнинг тагларида чет эл машиналари, "Нексия"лар, чўнтакларида жажжи телефонлар, жарақ-жарақ пул...**

Омад ўқиган кишиларга чап қўлини чўзиб, ўқимаганларнинг эшигини қоқаётгандай бўлиб туюлади менга.

Майли, нуқул факт ва аргументларни қалаштиравермай, шарҳу тафсилотларга ҳам ўрин берайлик. Ўйда китоб мутолаа қилиш масаласига қайтайлик. Сиз машҳур ёзувчи, шоир, олимларнинг таржимаи ҳолларини ўқиган бўлсангиз, уларнинг болаликларида уйларида кимдир китобхон бўлиб чиқади ва ўша одам тарқатган маърифат уруғи буюк одамлар қалбида униб чиққанлигига ишонч ҳосил қиласиз. Китобсиз олам - ваҳшийлар олами, деган гап беҳуда айтилмаган. Биз бугун фахрланаётган буюк даҳолар бизгача ҳеч қандай видео ё киноленталар орқали эмас, китоблар орқали етиб келишган.

Тузум ва алфавитларнинг бот-бот ўзгариши бизни китоблардан йироқлаштириб турди. Элас-элас ёдимда: болалигимда онам муқоваси чармдан бўлган ва бахмалга ўралган араб имлосидаги китобни сандиқчадан олиб қироат билан ўқирдилар. Бу "Иброҳим Адҳам" деган китоб эди. Мажнунсифат Иброҳим, бағоят нозанин ва ақлли Маликаи Хубон, уларнинг гоҳида шоҳона, гоҳида фақирона ҳаётлари кўз ўнгимда гавдаланарди. "Бу китобни даданг бир бош қўйга алмаштириб олган", дердилар у киши. **Мустақиллик эълон қилингандан кейин бу китоб қайта чоп этилди. Аммо харидор йўқ. Бир кўй нари турсин, бир товуқ нархига ҳам олишмайди.** Бойлар ўқимайди, камбағалларнинг пули йўқ, дейишади. Ёхуд китобдан қайтганимизга ТВ билан видеони сабаб қилиб кўрсатишади.

Мен юқорида вақтида ёмон ўқиган "янги ўзбеклар" ҳақида гапирган эдим. Аслида эса масаланинг моҳиятига разм солсангиз, ўзгача хулосаларга келасиз. Биз марксизм фалсафасига асосланган ўнлаб фанларни ва социалистик реализм қобиғидаги китобларни титкилаб ўқиган пайтларда улар иқтисод, пул топиш ва уни кўпайтириш, дунёвий олди-сотдиларга меҳр қўйишди.

Инсон пулни кашф этгандан бери унга зориқиб яшайди, дейишади. Ҳалол пул эрку орзулар сароби, мақсад дарчаларини бирма-бир очадиган сеҳрли калит эканлигини ҳали ҳам тан олмайдиган бўлсангиз, ихтиёр ўзингизда.

Бир вақтлар фотография кашф этилганда, энди рассомчилик барҳам топади, дейишган. Кино оламга келганда эса театрнинг тугашини, ТВ оламга келгач кино ва китобхонлик барҳам топишини каромат қилишган. Аслида эса ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор.

Францияда бўлган бир танишим ҳикоя қилади:

"Парижда уч қаватли улкан китоб магазинига кириб қолдим. Биринчи қаватдаги компьютердан истаган маълумотингизни олишингиз мумкин экан. Масалан, дейлик, сизга ўзбек адабиёти ёки фараз қилайлик, чумоли ҳаёти ҳақида китоб керак. Махсус тугмачани босишингиз билан мазкур китоб қайси қават ёхуд бўлимдалигини, унинг қисқача мазмуни, нархини кўрсатиб беради. Китоб қиммат, лекин харидор ҳам тирбанд."

Теҳрон кутубхонасида бўлган ҳамшаҳаримнинг ҳикояси:

"Улар китоб фонди билан фахрланишни яхши кўришаркан. Дарҳақиқат, бу ерда ўзбек мумтоз адабиётининг ҳамма вакиллари билан танишиш мумкин".

Нима, Франция ёки Эронда ТВ, видео йўқми? Гап шундаки, ҳамма хислат ва иллатларнинг илдизини тузум ва муҳитдан излаш керак. **Биз асрий илдизларга эга бўлган анъанамиз - оилавий китобхонликка нописандлик билан қарадик.**

Бу ўринда ҳаётни адабиётга ва адабиётни ҳаётга яқинлаштириш ҳақида тўхталмоқчиман.

Ҳаётни адабиётга яқинлаштиришнинг биринчи шарти оилавий китобхонлик эканлиги ўз-ўзидан маълум. Лекин бу борада анчайин муаммолар ҳам бор. Эътибор берган бўлсангиз, сўнгги йилларда деярли барча шаҳар, туман марказларида улкан бозорлар бунёд этилди. Уларда юзлаб катта-кичик дўконлар қад кўтарди. Аммо, афсуски, улар орасида китоб дўконни тополмайсиз.

Қурилишлар ҳақида. **Серҳашам мачитлар, ресторанлар, савдо шахобчалари иш бошлади, аммо китоб дўконлари, кутубхоналар қурганлиги билан мақтана оладиган ҳоким ё раҳбарни топиш амримаҳол.**

Адабиётнинг ўзи ҳам равнақда эмас. Сўнгги йилларда "Шайтанат"нинг биринчи китобидан ўзга талашиб-тортишиб ўқиладиган китобни эсломайман. Биз бу асарда ўзимизга таниш кишилар ва воқеалар дунёсини линзада кўргандай бўлдик.

Ҳозир нашриётларимизнинг аҳволи яхши эмас. Ахир, биз китоб сотиб олмасак, уларнинг иқтисоди қаёқдан ҳам яхши бўлади?! Тарихимизга теранроқ назар соладиган бўлсак, бундай нохуш ҳоллар бизда аввал ҳам содир бўлган. Эсланг: Алишер Навоийгача адабиёт ҳамду санодан нарига ўтмай, тушкун бир ҳолга тушган эди. Ҳазрат уни юксакликка кўтарди ва адабиётни янги ўзанга солди.

Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Беҳбудий ҳам...

Йўқ, ноёб истеъдодлар келишини кутиб ўтириш вақти эмас. Ўқиса арзигулик китобларимиз бор. Фақат китоб томон юз буришимизнинг вақти етиб келганлигини идрок этишимиз камлик қилаяпти.

Муҳтарам газетхон! Сиз бирор нарса (нон, сут, сабзавот, мебель, машина) харид қилганингизда бир дона китоб ҳам қўшиб олишни одат қилинг-а, хонадонингизга олиб кирган нур дилларни равшан этганлигига ўзингиз тезда ишонч ҳосил қиласиз.

Мен бунга аминман.

Самарқанд шаҳри

"ҲАЙФ, СЕНДЕК ТОМОШАБИНГА!!!"

Пойтахт театрлари орасида "Ҳамза" театри нимаси биландир мени ўзига тортаверади. Ўша куни ҳам, гарчи аввал кўрган бўлсам-да, "Тунги меҳмон" спектаклига яна тушдим. Сал кечикканим учун орқароқда ўтиришга тўғри келди. Залда ёшлар ҳам анчагина экан. Томоша бошланди-ю...

Саҳнада артистлар эўр иштиёқ билан роль ўйнашарди. Лекин кутилмаганда, орқа тарафда (менинг ён-атрофимда) ғала-ғовур, саҳнага гап отишлар, кулгулар бошланиб қолди. Қизиқ, булар ким бўлди экан? Ахир театрга бундай "томошабин"лар келмасди-ку, дея ҳамма ажабланиб шу томонга қараб кўярди.

Афсуски, назоратчи аёлларнинг тинчлантиришлари ҳам уларга кор қилмасди, ғала-ғовур давом этарди. Тайинки, бу ҳолат саҳнадаги актёрларга ҳам таъсир кўрсатди. Улар ҳар қанча берилишмасин, ижролари ўхшамай қолаётганди...

Ниҳоят, охирги саҳнага чиққанда актёрлардан бири (исмини айтиш ноқулай) кутилмаганда туришга чоғланган томошабинларга қарата:

— Нимага келдингизлар? Спектаклни шунақа томоша қиладими? Шуми саҳнадагиларга ҳурмат? Ўзи қаердан келгансизлар? Ҳайф-э, шунақа томошабинларга! — деди-ю, шартта тескари бурилиб саҳнадан чиқиб кетди...

Кейин билсак, бу "томошабинлар" қайсидир хунар-техника билим юртидан олиб келинган қуйи курс талабалари экан. Билмадик, улар билан биронта ўқитувчи бирга келганми- йўқми ёки улар орасида лоақал театр нима эканлигини тушунувчи талабалар бўлганмикин...

Театрдаги назоратчи аёлларнинг айтишига, қараганда театрда безори томошабинлар учраб тураркан-у, аммо бунақаси... ҳали бўлмаган экан.

Ҳуршид БЕК

Дуқма

ҲУРРИЯТ
Мустақил газета
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси

Бош муҳаррирлар:
"Ҳуррият" газетаси — Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД
"Меҳригиёҳ" газетаси — Мақсуд ҚОРИЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63, Буюртма — Г 0220
Индекс: Якка обуначилар учун — 233, Ташкилотлар учун — 234

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босиш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00

Design SherzodSAYDALIYEV